27 598

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 6 май Чоршанба.
№ 34 (144127)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалаба кунининг байрам қилиниши муносабати билан ва уруш иштирокчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва иштирокчиларига 1500 сўм /иккита энг кам иш ҳақи/ миқдорида бир мартали пул мукофоти белгилансин.

2. Ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун маблағ республика бюджети ҳисобидан ажратилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мазкур пул мукофоти тўланишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 5 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС XI СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

ҚОНУНЛАРИМИЗ ДЕҲҚОН МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Ҳурматли халқ ноиблари!

Аввало мана шу фурсатдан фойдаланиб, ҳозир қабул қилинган қонунларнинг шундай катта ҳурмат, катта қизиқиш билан муҳокама қилинганидан мамнуният изҳор этмоқчиман. Чунки шу қонунларнинг моҳиятига ҳар томонлама етиб бориб, сиз депутатларнинг ва сиз орқали жамоатчилигимиз, айниқса қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг бу масалага муносабатини инобатга олсак, уларнинг ўз вақтида қабул қилинганини яна бир бор таъкидлаш зарур.

Мен бу ҳолни мазкур ҳужжатларнинг ҳаётимизни ўзгартиришда, керак бўлса, тақдиримизни ҳал қиладиган масалаларни ечишда жуда катта аҳамиятга эгалигининг яна бир яққол тасдиғи деб биламан. Шу ўринда бир нарсага эътибор бердим. Бу тўртта қонунни, яъни Ер Кодексини, Қишлоқ хўжалиги ширкати, Фермер хўжалиги, Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунларни қабул қилаётганда биронта депутат қарши овоз бергани йўқ. Бу ҳам мен ҳозиргина айтган гапнинг далили. Сизлар ҳам шу масалаларни жойларда муҳокама қилаётганда, уларнинг бугунги ҳаётимиздаги аҳамиятини чуқур англаб, мана шу қарорларни ўз вақтида қабул қилаётганимизни яхши ҳис этганингизнинг далолати десак, хато бўлмайди.

Умуман айтганда, бу қарорлар тўртта муҳим масалани ечади.

Биринчи масала — бу қишлоқ хўжалигида мулк масаласидир.

Иккинчи масала — деҳқонларнинг, қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш, мустаҳкамлаш масаласи.

Учинчи масала — бу қонунлар орқали қишлоқ жойларда, керак бўлса, бутун иқтисодимизда бу борадаги ишларни мутлақо янги асосда ташкил этиш, бугун замон талаб қилаётган услубларга ўтишдир.

Тўртинчи, энг муҳим масала, мен алоҳида урғу бериб айтмоқчиманки, бу қонунлар Ўзбекистонда янги синф, янги тоифа — мулк эгалари пайдо бўлишига мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади.

Ана шу масалаларнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини англасак, ўйлайманки, биз жуда катта иш қилган бўламиз. Лекин ҳозирча қилган ишимиз — бу борада қилиниши зарур бўлган ишларнинг фақатгина 50 фоизидир.

Яна такрор айтаман, бу ишнинг ярми, холос. Бунда мен нимани назарда тутяпман? Кимки, мана, қонунларни қабул қилдик, эртага қишлоқ хўжалик соҳасида мутлақо бошқача ҳаёт бошланади, эртага ўз-ўзидан ишимиз бошқача ташкил қилинади, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бошқача услуб ишлатилади, деб ўйласа, бу жуда катта хато бўлади. Агарки қонунларда кўзда тутилган мақсадларга эришмоқчи бўлсак, аввалambор ташкилий ишларни — бу қонунларни ҳаётга татбиқ этиш ишларини қатъият билан амалга оширишимиз керак. Агар эртага, бу бизнинг тажрибамизда бор, тарихимизда бор, мана энди қонун қабул қилинди, деб кампаниячиликни бошласак, вилоятларда, туманларда кечаги колхозларни тезлик билан ширкат хўжалигига айлантириш, тузиш масаласида мусобақага ўтиб кетсак, бу ҳозир қабул қилинган қарорларни бутунлай обрўсизлантирадиган қадам бўлади.

Такрор айтаман: агар биз шошилиб, палапартиш иш тутиб, масаланинг у ёқ-бу ёғини чуқур ўйламасдан, етарли шароит ташкил қилмасдан, ташкилий масалаларни ечмасдан ширкат хўжаликларини тузишга ўтсак, мен яна бир бор сизларга қарата, сиз орқали бутун халқимизга, деҳқонларимизга қарата айтмоқчиман, бу мутлақо нотўғри, ахмоқона иш бўлади. Фикримча, мана шу масалаларни ечиш учун баъзи бир муҳим шартларга эътибор бериш керак. Бу шартлар нимадан иборат?

Биринчи шарт шундан иборатки, мана шу қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилганда, жойлардан жуда кўп хатлар, тавсиялар, одамлар ўз муносабатини билдирган изоҳлар, маърузачи таъкидлаганидек, уч мингдан ортиқ таклиф тушди. Шу масала телевидениеда муҳокама қилинаётганда мен шунга эътибор бердимки, жойлардан деҳқонлар кўнгироқ қилиб шу масалаларга қизиқиш билдирди. Баъзи бир моддаларни тушуниш, англаш бўйича турли саволлар беришди. Бу ҳам одамларнинг шу қарорларни кутганини билдиради. Демак, агар биз мана шу қонунларни амалга оширмоқчи бўлсак, самарасини кўрмоқчи бўлсак, жойларда **уларни тарғибот қилиш ишларини яхши йўлга қўйишимиз лозим.** Аввалambор, муҳим қонун бўлмиш «Ер Кодекси»ни, нафақат деҳқонлар, мана шу ерга алоқаси бўлган амалдорлар, балки мана шу масалани ечадиган барча мутахассисларга мазкур қонунларнинг асосий талабларини, моҳиятини етказишимиз керак. Токи бу қонунлар бизга нима беради, деган масала ҳар бир одамнинг онгига етиб борсин.

Иккинчи шарт шундан иборатки, ишни шу қонунлар асосида ташкил қилмоқчи бўлсак, жойларда ишлайдиган, маҳсулот етказиб берадиган, қадоқ қўллари билан бизларни боқадиган деҳқон қонунни жорий этишда албатта қатнашиши, ўз фикрини билдириши керак. Тепадан туриб кўрсатма бериш билан иш битмайди. Хўжалик тақдирини фақат раҳбарлар, бригадирлар, звено бошлиқлари, мутахассисларни тўплаб, тор даврада ҳал этсак, қарор қабул қилсак, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларимизни бутунлай йўққа чиқарган бўламиз.

Яна такрорлайман: **ислоҳот жараёнида оддий деҳқон албатта қатнашиши, масалалар моҳиятини чуқур англаб, бу тадбирлар эртага унинг ҳаётига, оиласи, хонадонига нима беришини аниқ билиши шарт. Мулк шаклини ўзгартириш мусобақага айланмаслиги керак.**

Яна бир муҳим масала. Ер ҳажми, сифати, нуфузи, шароити турлича бўлган вилоятларда ягона мезон билан ёндошсак, қош қўяман деб кўз чиқармаймизми?! Пайчиларга дивиденд бермоқчи бўляпмиз. Эрта ширкат хўжалигига айланадиган жамоа хўжалиги бойлигини қандай аниқлаймиз? Хўжаликнинг асосий бойлиги нима? Ер ва ерга ишлов берадиган ускуналар, тракторлар, бошқа техника турлари, иморатлар ва шунга ўхшаган қурилишлар. Амортизацияга қараб техника баҳосини белгилаш мумкиндир, лекин ернинг баҳосини қандай аниқлаймиз? Андижонда ер қанча туради-ю, Сурхон ва Қашқадарё воҳасида қанча? Нафақат ер баҳоси, нафақат ер унумдорлиги, ер бонитети, балки бу ёқда одамлар нечоғли зич яшаётганини ҳисобга олган ҳолда, одамларга ер бўлиб беришда қандай меъёрларга амал қилиш керак? Буни алоҳида инобатга олмасдан қонунни ҳаётга татбиқ қилиб бўлмайди, деб ўйлайман.

Ер Кодексини қабул қилдик, ер кадастрини эртага тасдиқлаймиз. Лекин бу қонунларда кўрсатилган, белгиланган талаб ва шартларнинг бажарилишини ким назорат қилади? Ер кадастри устидан назорат қилувчи, унинг талабларини амалга оширувчи, сўраб-суриштирувчи, пайдо бўлаётган масалаларни холисона ҳал қилувчи, жамоатчилигимиз эътиборини шунга жалб қилувчи масъулиятли махсус бир ташкилот — қўмита керак. Яъни, ер умумий бойлигимиз экан, умумий бойлик устидан назорат қилувчи орган керак.

Деҳқон хўжаликлари тўғрисида алоҳида тўхталмоқчиман. Деҳқон хўжалиги нима асосда, қандай заминда пайдо бўляпти? Аввалambор, томорқалар заминида. Бу масала бўйича ҳозир қабул қилган қонунимизда деҳқон хўжаликлари бўйича янги имтиёзлар белгилаб берилган. Лекин бу имтиёз ва имкониятларни амалга оширишда ҳар бир вилоят, ҳар бир туманда керакли шарт-шароит борми-йўқми, буни ҳам тўғри тушуниб ҳал қилишимиз керак.

Бу масалани ечишда ҳамма жойда аввалambор адолат бўлиши керак. Ер ажратишда бир деҳқон хўжалигига 35 сотих, биттасига, айтайлик, 15 сотих бериш ва учинчисига ҳеч нарса бермаслик — бу адолатни бузиш дегани. Эртага норозилик келтириб чиқарадиган қарор ва тадбирлар бизга керак эмас. Шу сабабли бу масалаларни ҳар томонлама, пухта ўйлаб кўришимиз керак.

Деҳқон хўжалигининг асосий мақсади, манфаати, аҳамияти шундан иборатки, деҳқон хўжалиги эртага маҳсулот — товар чиқарадиган бўлса, яъни ўз маҳсулотини бозорга олиб чиқадиган бўлса, шу масалада давлатнинг юкини енгил қилади. Деҳқон хўжалиги ўзини-ўзи боққан тақдирда ҳам бундай хўжаликларнинг афзаллигини қадрлашимиз ва қўллашимиз даркор. Шу билан бирга, бугун деҳқон хўжалигини қонунлаштириб, эртага унинг эгаси нафақа олиши, пенсия олиши учун имконият яратяпмиз. Шу тадбир, йўллар билан ишсизликнинг олдини оляпмиз. Буни ҳам тарғибот қилишимиз, халқимизга тушунтиришимиз керак.

Шундай қилишимиз керакки, келажаги йўқ, самара бермайдиган, инқирозга дуч бўлган колхозларни тарқатиб юбориб, ерни одамларга бўлиб беришимиз керак. Хўжалик юритишнинг мана шу услубига ҳам йўл очиб берайлик. Барака топкур, ишсиз юрибсанми, мана сенга томорқа, мана сенга қонун. Қонун асосида томорқа олдингми, деҳқон хўжалигини ташкил қил, бориб рўйхатдан ўт, имтиёзлардан фойдалан. Қолгани ўзингга боғлиқ: ўзингни боқ, оилангни боқ, бўйдоқ бўлсанг турмуш қур, фарзанд кўр, даврингни сур, бахтингни кўр. Такрор айтаман: давлат фақат имконият туғдириб беради, у ёғи ўзингга боғлиқ, ўзингга ҳавола. Шундан кейин ҳам ишинг юришмаса, ўзингдан ўпкала!

Хуллас, биз одамларни ҳаракатга келтиришнинг барча йўлларини ўйлаб кўришимиз керак. Шундай хўжаликлар борки, у ерда, айтайлик, юзта текинхўр маош олиб ётибди, раис ҳам амалдор, қоровул ҳам амалдор. Чунки маош олади! Ер самара бермаяпти, лекин амалдорларни боқяпмиз. Шунақа хўжаликларнинг ерларини бўлиб берсак, бунга қонун дастак бўлса, йўл очилса, барча имтиёзларни ташкил қилинса, меҳнатга иштиёқманд одамларнинг эртага яна қандай армони бўлиши мумкин?!

Гапимни якунлаб, такрор айтмоқчиман: деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунни қабул қилишимиз бу — фақат биринчи қадам, холос. Мазкур қонун мазмун-моҳиятига кўра серқирра бўлиб, жойларда — ҳар бир туман, ҳар бир вилоятда изчил амалга ошсагина, мақсадимизга эришамиз.

Яна бир бор таъкидлаш лозимки, муҳокама этилаётган қонунлар ҳаётимизнинг умумий қоидалари, умумий чегара-чизиқларини ўзида мужассам этган. Бу қонунлар асосида яна янги қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилишимиз керак. Катта ҳуқуқлар бердик, энди жойларда ҳокимлар ташаббус кўрсатишсин. Агар ҳоким ўзини вилоятнинг ҳақиқий эгаси қилиб кўрсатса, мен шу вилоятнинг эгасиман, деса, ёмонми! Мен бунга қарши эмасман. Бу яхши аломат. Эга дегани, шу туман, шу вилоят учун, керак бўлса, жонимни фидо қиламан дегани. Йўлимизга тўғаноқ бўлаётган тўрт-бешта муттаҳамнинг ёқасидан олишга тайёрман, дегани.

Сизга ишонган, сизга ионган одамларни ҳимоя қилишга ўрганинглар. Ҳамма ишни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Фидойи экансизлар, раҳбар деганни мен фақат фидойи деб биламан, халқ ичига боринглар, унинг оғирини енгил қилинглар. Қўрқманглар, қийналиб қолсаларинг, ёнларингда мен борман. Мен сиз томондаман.

Кеча Москвада Ҳамдўстлик давлатларининг кенгаши бўлди. Кенгашда талай масалаларни баҳолиқудрат ечишга уриндик. Қандай масалалар кўрилгани, нимага эришганимиз, умуман, Ҳамдўстлик давлатлари, бизга қўшни давлатлар, собиқ Иттифоқ минтақасида жойлашган халқлар билан муносабатларимиз ҳақида телевидение орқали батафсил ҳисобот беришга ҳаракат қилдим. Лекин бугун сизлар билан юзма-юз бўлиб, дийдор кўришиб, рўй-рост айтмоқчиман: **асосий хулоса шуки, кенгашда катта-катта ҳужжатлар қабул қилинмаган бўлса ҳам, кўрилган масалалар бўйича қабул қилинган барча қарорлар биз танлаган йўлнинг тўғрилигини исботлади.**

1991 йилдан бошлаб, мустақилликка эришганимиздан кейин иқтисод, сиёсат соҳасидаги энг маъқул йўлни, керак бўлса, сиёсатни ўтказдик, десак, муболаға бўлмайди. Нега деганда, бир вақтлар собиқ Иттифоқнинг давлат раҳбарлари орасида мустақиллик истиқболига ишонмаганлар кам эмасди. Афсуски, бундайлар ҳали ҳам бор. Лекин вақт ўтяпти, мустақиллик йилида туғилган болаларимиз етти ёшга тўлди. Биринчи синфга борганлар еттинчи, саккизинчи синфда ўқияпти. Улар «СССР» деган иборани мутлақо билишмайди.

Биз бундан хурсандмиз.

(Давоми 2-саҳифада)

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

5 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Россия Федерациясига жўнаб кетди. Сафар олдидан давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакилларига интервю берар экан, жумладан шундай деди:

- Сафардан мақсадимиз Россия билан муносабатларни чуқурлаштириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашдир. Ўйлайманки, халқимиз ҳам бу фикрни маъқуллайди. Россиянинг Ўзбекистонда, умуман, Марказий Осиёда ўз манфаатлари бор. Шунингдек, аввал айтган фикрларимни яна қайтариб айтаман: Россия билан нафақат сиёсий, балки иқтисодий масалаларда ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик биз учун устувор масала бўлиб қолаверади.

Мустақилликка эришгандан кейин юздан зиёд давлат билан расмий алоқа ўрнатдик. Лекин бизнинг ташқи сиёсатимизда Россиянинг ўз ўрни бор. Буни республикамизнинг олис қишлоқларида ҳам яхши тушунадилар. Ўзаро тенг ҳуқуқли муносабатдан, алоқадан оддий кишилар ҳам, корхоналар ҳам бирдай манфаатдор. Бу нафақат иқтисодий-сиёсий, балки бошқа масалаларда ҳам яққол сезилиб турибди. Биз ташриф давомида шундай муносабатларимизнинг ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш ниятидамиз.

Сафар асносида Россия президенти Б.Ельцин билан ўзаро алоқаларимиз ҳақида Баёнот имзоланади. Шунингдек, Ўзбекистонда В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида Москвадаги Илюшин конструкторлик бюроси ҳамда АҚШнинг баъзи бир компаниялари билан ҳамкорликда ИЛ-114 йўловчи ташувчи ва ИЛ-76М юк самолёти ишлаб чиқариш бўйича консорциум ташкил қилиш ниятидамиз. Бундай самолётларга ҳозир дунё бозорида эҳтиёж катта. Булардан ташқари, ҳукуматлараро ўнга яқин бошқа ҳужжатлар ҳам имзоланиши режалаштирилган.

Энди мустақилликка эришган пайтларимиз Москванинг бизга муносабати бошқача эди. Очиғини айтсак, у ердаги айрим сиёсатчилар «булар биздан айрилиб қаёққа ҳам борарди, бироз вақт ўтиб, яна олдимизга ўзлари ялиниб келади», деган фикрда эдилар. Улар бизга ҳамон собиқ иттифоқнинг бир республикаси сингари қарашда давом этардилар. Улар Ўзбекистон ўзининг мустақиллик йўлидан асло қайтмаслигини, бу давлат билан фақат алоқани мустаҳкамлаш кераклигини дастлаб тушуниб етмадилар. Улар манфаат топиш учун ўзаро тенг ҳуқуқли алоқаларни йўлга қўйиш кераклигини сингдиролмадилар. Бугун эса Россияда бундай қарашлар яхшилик томонга ўзгарганини кўриб турибмиз.

Россиянинг юқори раҳбар доираларида ҳам, минтақаларида ҳам Ўзбекистонга нисбатан бошқача муносабат пайдо бўлди. Президент Б.Ельциннинг энди орқага қайтиш йўқ, собиқ совет республикалари мустақиллигини тан олиш ва шунга муносиб алоқалар ўрнатишимиз керак, деган гапи эсимда. Ҳозир бу фикрни қўллаб-қувватловчилар Россияда жуда кўп. Яқинда Свердловск вилояти корхоналари маҳсулотларининг Тошкентда ўтказилган кўргазмаси ҳам шунинг бир далилидир. Уларнинг бизни тан олгани, мустақиллигимизни ҳурмат қилиши аниқ сезилди.

Россияга 1994 йил 2-3 март кунлари бўлган илк расмий ташрифимиз чоғида бизга муносабат бутунлай ўзгача бўлган эди. Мен эндиги ташрифимиз мутлақо бошқача кечади, деб ўйлайман.

Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбарини Олий Мажлис раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *


ТАШРИФ БОШЛАНДИ


МОСКВА, 5 май. /ЎзА махсус мухбири Б.Эгамқулов хабар қилади/. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бугун давлат ташрифи билан Москвага келди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэропортида юксак мартабали меҳмонни Россия Федерацияси ҳукумати раиси Сергей Кириенко ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасида Ўзбекистоннинг Россиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ш.Шохалилов ҳамда Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А.Пацев ҳам бор эди.

ЎзА





Турақўрғон туманида қад ростлаган "Шамс -- LTD" фирмасига қарашли гугурт ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулоти элга манзур бўлмоқда.

Суратда: оператор Маҳмуда Деҳқонова ва ишлаб чиқариш жараёни акс этган.

Суратқаш: А.ГЕРАСИМОВ

ЎЗ ЮРТИМИЗДА

***4 Май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг "Сикорски Эйркрафт" компанияси президенти ва ижрочи директори Южин Бакли ҳамда "Юнайтед Текноложиз" корпорациясининг халқаро масалалар бўйича катта вице-президенти Рут Харкинни қабул қилди.**

* "Устоз" республика жамғармаси хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари, илм-фан намоёндалари, жамғарма фаоллари ва журналистлар учун ўз фаолиятига бағишланган брифинг ўтказди.

*** Фарғонада ўтказилган "Ҳавас-98" теннис мусобақаларининг вилоят босқичида Фарғона шаҳар ҳокимининг ўринбосари Зафарбек Ҳотамов, Қирғули туман ҳокими Виктор Белоногов, вилоят ҳокими ўринбосари Ҳаким Ҳайдаров ғолиб деб топилди.**

* Ўзбекистон Республикаси Миллий банки 1998 йил 5 майдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади. Унга кўра 1 АҚШ доллари 86 сўм 14 тийин миқдорида белгиланди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА

БИШКЕК. 10 май куни Қирғизистоннинг миллий валютаси -- сом жорий қилинганига беш йил тўлади.

Миллий валюта қадрини барқарор ушлаб туриш учун Халқаро Валюта Жамғармаси, жаҳон банки ва Осиё банки мамлакатга катта ёрдам кўрсатган. Биргина Осиё банки томонидан қирғиз соми қадрини сақлаб туриш учун кўрсатиладиган йиллик ёрдам 80 миллион АҚШ долларидан ошади. Шунга қарамасдан қирғиз сомининг қадри беш йил давомида тўрт баравар тушиб кетган. Ҳозир бир АҚШ доллари 19,5 қирғиз сомига тенгдир, деб хабар қилади "КАБАР" ахборот агентлиги.

ОҚМОЛА. Қозоғистон электр тармоқларини бошқариш компанияси (КЕГОК) ўзининг қимматбаҳо қоғозлари билан ташқи бозорга чиқмоқчи.

Компания беш йил давомида 100 миллион АҚШ доллари қийматидаги қимматбаҳо қоғозни дунё бозорига чиқаришни мўлжаллаётир. Тушган маблағ Қозоғистон электр тармоқларини тиклаш ва таъмирлашга сарф қилинади. Мазкур лойиҳага қизиқиш билдираётган АҚШ инвестиция компанияларидан бири билан музокаралар ўтказилди.

ДУНЁ: сўнгги хабарлар

ХОРИЖДА

1974 йилда иккига бўлиниб кетган Кипрни бирлаштириш ниятида ушбу оролга келган Америка Қўшма Штатларининг махсус вакили Ричард Холбрукнинг нияти пучга чиқди. Маълумки, ўшанда ўз мустақиллигини эълон қилган Шимолий Кипр республикаси фақат Туркия ҳукумати томонидангина тан олинган. Оролнинг ҳар икки қисмининг раҳбарлари ўтган жума Кипрга келган Холбрукнинг музокаралар бошлаш ҳақидаги даъватини инобатга олмадилар.

* * *

Югославия ва Албаниянинг Косово вилояти чегарасида отишмалар бўлиб ўтди. Оқибатда албан сепаратистлари 4 нафар серб полициячисига жароҳат етказди. Шу сабабдан Европадаги Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ушбу чегара ҳудудида кузатув пункти очишни эълон қилди.

* * *

Бугун Австралиянинг Олий суди бир ойдан бери мамлакат портларида давом этаётган можарога чек қўйди. Суд ҳайъати мамлакатнинг "Патрик Стивидорисес" компанияси ишдан бўшатиб юборган бир ярим минг нафар докерни қайта ишга жойлаштириш ҳақида қарор қабул қилди.

* * *

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Анан 3 майда нишонланган Матбуот эркинлиги куни муносабати билан матбуот анжумани ўтказди. Шуни айтиб ўтиш керакки, ўтган йилнинг ўзидагина турли мамлакатлардан 26 нафар журналист ҳалоқ бўлди, 150 нафари ҳибсга олинди, 160 дан зиёди эса калтакланди. ЮНЕСКОнинг Матбуот эркинлиги кунига бағишланган бу йилги мукофоти Нигерия қамоқхоналаридан бирига юборилган журналист Кристина Аньен Вурга берилиши таъкидланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС XI СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Аввали 1-саҳифада)

Биз ҳар хил пала-партиш ташаббусларга қўшилмадик. Бу, албатта, кимларгадир ёқмади. Биз иқтисодий ривожланишни ҳар қандай сиёсий интилиш-ҳаракатлардан устун кўриб, аввалambор Ҳамдўстлик давлатлари халқларини иқтисодий асосда яқинлаштириш ва шу йўлдаги тўсиқларни олиб ташлаш тарафдори эканимизни ифода этдик. Фахрланиб, катта ифтихор билан айтмоқчиманки, Ўзбекистоннинг обрўси ўсиб боряпти. Бу сиёсат, бундай қараш ўз тарафдорларини топмоқда. Ҳамдўстликнинг кечаги мажлисида бизнинг барча таклифимиз ўтди. Биринчи бор тарихимизда Ҳамдўстлик Давлатларининг Бош вазирлар кенгаши раиси қилиб Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов сайланди. Албатта, амал бугун бор, эрта йўқ. Лекин биринчилар қаторида Ўзбекистоннинг Бош вазири шу лавозимга сайлангани Ўзбекистон олиб бораётган сиёсат, иқтисод бўйича танлаган моделимиз, йўлимиз тўғри эканлигидан ёрқин далолатдир. Буни нафақат дўстларимиз, керак бўлса, мухолифларимиз ҳам ноилож тан олганларини мен кеча ўз кўзим билан кўрдим.

Азиз дўстлар!

Қабул қилган қонунларимиз, қарорларимиз аҳамиятини, саъй-ҳаракатларимиз қадрини баъзан ўзимиз билмаймиз. Балки бу ҳам табиий бир ҳолдир. Майли, барча хайрли ишларимизга фарзандларимиз баҳо берсинлар, қадрига етсинлар. Иншооллоҳ, шу кунларга ҳам етиб борайлик.

ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР – ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Муҳтарам халқ депутатлари!

Бугун сессияда муҳокама қилинаётган қонунларнинг лойиҳалари бизларни нафақат бугунги ҳаётимизда, аввалambор, эртанги ҳаётимизда, келажагимизни қуриш режа ва мақсадларида катта аҳамиятга эга. Шунинг учун баъзи бир мулоҳазаларимни сизларга маълум қилиб, шу масалалар бўйича фикр алмашиб олмоқчиман.

Олий Мажлиснинг Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси Анвар Йўлдошев билдирган фикрларга қўшимча шу нарсани ойдинлаштириб ўтмоқчиман. Умуман, лўнда қилиб айтганда, хорижий сармоялар, ҳозир инвестициялар деяпмиз, яъни чет эл фирмаларининг сармоялари, маблағлари Ўзбекистонга керакми-йўқми? Мен нафақат сиз депутатларни, балки юртимиздаги оддий фуқароларни, олис-олис жойларда яшаётган одамларнинг савияси, тушунчасини инобатга олиб шу саволларни кўндаланг қўймоқчиман. Ўзи, чет мамлакатлардан сармоя келмаса, бизлар яшашимиз мумкинми? Агар чет мамлакатлардан инвестициялар келмаса, биз ўз мақсадларимизга эришишимиз — буюк давлат қуриш, фаровон ҳаёт барпо этиш, бугунги энг тараққий топган давлатларга тенглаша олишимиз мумкинми, йўқми?

Бу залда ўтирганларнинг аксарият кўпчилиги, мен ўйлайманки, юрт ғамини ейдиган, эртанги кун ҳақида қайғурадиган одамлар. Уларнинг барчаси бу саволга, албатта, ижобий жавоб беради. Четдан сармоя келмаса, четдан инвестиция келмаса, Ўзбекистон тез орада тараққий топган давлатлар даражасига чиқа олмайди.

Биз бир вақтлар мустабид тузумда, собиқ Иттифоқ тизимида яшаб, унинг қоидалари ва талабларига итоат қилиб, асосан хомашё минтақасига айланиб қолганимизни такроран одамларимизнинг эсига солмоқчиман. Ўзбекистон деганда илгари одамларнинг тасаввурида нима жонлар эди? Пахта далалари ва далаларда машаққатли меҳнат билан банд бўлган бечора заҳматкаш деҳқонларимиз.

Бир фараз қилинглар, ўн йил олдин худди шу манзара ҳаётимизнинг асосий мазмуни эди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз шундай тез суръат билан ривожланяптики, уни тасаввур қилиш ҳам осон кечмаётибди. Баъзи бир юртдошларимизга бугунги эришган натижаларимиз худдики осмондан тушаётгандек, ўз-ўзидан пайдо бўлаётгандек ҳам туюлаяпти. Гўё бугунги тараққиёт ҳаётимизда ўз-ўзидан амалга оширилаётгандек. Гоҳо баъзи бир танқидчиларимиз, айтайлик, шундай хаёлга ҳам бориши мумкин.

Шунинг учун шу саволларни такроран бериб одамларга реал ҳақиқатни эслатиш фойдадан ҳоли бўлмас, деб ўйлайман.

Яқин ўтмишда, яъни бундан ўн йил олдин Ўзбекистонни ким танирди? Биз хорижий мамлакатларни умуман билмасдик. Хорижий мамлакатлар ҳам бизни мутлақо билмасди. Агар ўша ёқларда Ўзбекистон қаерда жойлашган, Ўзбекистон нима билан шуғулланади, Ўзбекистонда қандай одамлар яшайди, халқи нима билан банд, деб сўраса, ҳаммаси битта иборани ишлатар эди. Нима эмиш, «Ўзбекистон пахта макони» эмиш. Лекин бу «пахта макони» мана шу халққа нима берди? «Пахта макони»га айланган юртимиз нафақат бутун социалистик лагерь, айтайлик, дунёнинг кўп-кўп бошқа мамлакатларига ҳам пахта етиштириб бериб, бундан нима наф кўрди? Ўзбекистонда ҳукм сурган «пахта яккаҳокимлиги»ни эсингизга олинг. Бундай ҳолни табиатимизга, одамлар ҳаётига салбий таъсирини олинг. Агар ўша замонни эсласак, «пахта яккаҳокимлиги» даврида фақат томларимизда пахта эмилмади, холос.

Ҳақиқатни англаш учун дунёда битта синалган услуб бор. Солиштириш керак, қиёслаш керак. Кеча ким эдик, айтайлик, нима масалада бизлар азоб-уқубат чекканмиз ва бугунги ҳаётимизнинг, эртанги режаларимизнинг шундан қандай фарқи бор? Бизлар қандай қадам қўяяпмиз, тўғри йўлданми, йўқми, деган саволга жавоб бераётганда фақат қиёслаш керак. Қуруқ ташвиқот керак эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, яна бир бор айтаман: жаҳон жамоатчилиги илгари харитадан Ўзбекистонни кўрсатишга ҳам қийналадиган бўлса, ҳозир давлатимизни бутун дунё таниб бормоқда. Ҳозир юртимизга кўплаб мамлакатлардан делегациялар келади.

Биргина ўтган ойнинг ўзида дунёнинг манман деган давлатлари, мисол учун, АҚШнинг энг кўзга кўринган сенаторлари, конгрессменларининг кўпчилиги Ватанимизга келиб кетишди. Биласизлар, матбуотда, телевидениеда Ўзбекистон Президенти фалон делегацияни қабул қилди, деб бериладиган хабар бу шунчаки қуруқ маълумот эмас. Бунинг тагида чуқур маъно бор. Тараққий топган, дунёда катта нуфузга эга давлатларнинг раҳбарлари ва шуларнинг вакиллари Ўзбекистонга келиб ўз ҳурматини изҳор қилиши, ўз таклифларини билдириши, ҳамкорлик масаласига, умуман, биргалашиб ишлашга тайёр эканликларини изҳор қилиши — бу уларнинг Ўзбекистонни, халқимизни, бизнинг салоҳиятимизни яна бир бор эътироф этганини, тан олганини билдиради.

Шулар билан гаплашганда мен уларга, ўн йил олдин Ўзбекистонни харитадан кўрсатиб бера олармидингиз, десам, ҳақиқатни айтадиган бўлсак, йўқ, тополмасдик, дейди. Ўзбекистон деганда фақат Самарқанд, Хива ёки Бухоро қаерда бўлганлигини билардик, қолганини билмас эдик, деб ошкора айтади улар.

Мен нима демоқчиман? Айтмоқчиманки, **биз кечаги ҳаётимиздан буткул воз кечганимиз йўқ. Умуман, тарихдан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Тарих — бу бизларники, аччиқ бўлса ҳам, чучук бўлса ҳам, у биз учун ҳаётдан сабоқ ва хулосалар чиқариш учун хизмат қилади.** Шу нуқтаи назардан қараганда кеча фақат хомашё ва хомашё маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон бугун дунё харитасидан ўз муносиб ўрнини эгаллашга, бошқа тараққий топган мамлакатлар, аввалambор, АҚШ, Ғарбдаги демократик давлатлар, Шарқдаги Япония, Корея, Малайзия ёки шунга ўхшаш давлатларга тенг бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, бунда биринчи галда чет эл сармоялари, чет эл инвестицияси ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Мен ҳозир тилга олиб ўтган кўпчилик давлатларнинг тарихи шуни кўрсатадики, агар хорижий мамлакатлардан сармоя келмаса, инвестиция келмаса, ҳеч қачон бу давлатлар бугунги ривожланиш даражасига кўтарила олмас эди.

Яқинда Европа ва Америкада бир тарихий воқеага — Маршалл планига бағишлаб катта мажлислар, турли маросимлар ўтказилди. Биласизларки, Маршалл деган одам АҚШ давлат котиби бўлиб, у Европани Иккинчи жаҳон урушидан кейин оёққа кўтариш учун махсус дастур ишлаб чиқишга бошчилик қилган.

Шу дастур Маршалл плани деб аталади. Франция, Буюк Британия, Германия ва шунга ўхшаган Европа давлатларининг бугунги савиясини кўрсангиз, беихтиёр одамнинг ҳаваси келади. Лекин урушдан кейинги уларнинг аҳволини бир эслаб кўрайлик. Қай аҳволда эди Европа? Маршаллнинг плани нима берди? Америка Қўшма Штатлари Европани тиклаш учун бирйўла катта маблағни тавсия қилди. Маршалл планига асосан таҳминан 50 миллиард доллар Европа давлатларига кредит сифатида берилди. Мазкур маблағ бу мамлакатларнинг иқтисодини ўнглаб, ҳаёт даражасини кўтаришга, аввалambор илғор технологияларни жорий этишга ва умумбашарий тараққиёт йўлига қайтаришга катта хизмат қилди. Маршалл плани ана шундай улкан натижа берди.

Энди Японияни олайлик. Урушдан кейин Япония қай даражада эди? Қандай аҳволда эди? Бу вайрона бўлиб ётган давлат 50 йилдан кейин бугунги юксак тараққиёт даражасига кўтарилади, деб ким тасаввур қила оларди? Кореяни олинглар. Қай аҳволда эди Жанубий Корея?

Хуллас, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳаммаси, барчаси нима ҳисобидан кўтарилди? Албатта, биринчи галда, ўз кучига таяниб, ўз имкониятларига суяниб. Лекин четдан кўмак, сармоялар бўлмаса, ўз мақсадига эриша олмасди.

Ўзбекистоннинг ривожланиш модели, Ўзбекистоннинг тараққиёт режаси ва дастурларини тузганда биз аввало нимага ишондик ва нимага асосландик? Ўзимизнинг кучимизга. Ўзимизнинг тарихимизга. Ўзимизнинг фахримизга, ўзимизнинг гуруримизга. Ва шу йўл билан фаровон турмушга эришишни ўзимизга қатъий мақсад қилиб белгиладик. Лекин, шу билан бирга, фақат шу мезонга, шу омилга суяниб кўп нарсага эришиш мумкин эмас. Тараққиёт учун сармоя керак, инвестиция керак.

Мана, кеча Япониядаги энг катта фирмаларнинг раҳбарлари Ўзбекистонга келди. Булар шундай қатта фирмаларки, улар Японияннинг бутун капитал дунёсини ушлаб туради. Улар орасида Японияннинг иқтисодий ташкилотлари федерацияси — «Кейданрэн» деган йирик бирлашмаси ҳам бор. Бу фирмалар нафақат молиявий иқтисодни, керак бўлса, ўз ҳукуматининг сиёсатини ҳам белгилайдиган қудратга эга.

Биз улар билан учрашиб, фикр алмашдик. Жумладан, федерация раҳбари жаноб Тоёда билан ҳам суҳбатлашдик. Бу япон фирмаларининг энг катта раҳбари, кўп нарсани биладиган, тажрибали одам. Шулар билан учрашиб, яна бир бор гаплашиб олдик. Учрашувлар давомида Япония Ўзбекистонга қандай қараяпти, бизга муносабати, сармоя бериш соҳасидаги режалари, бизларнинг эртанги кунимизга ишончи борми-йўқми — шу каби масалалар хусусида атрофлича кенгашиб олдик.

Фикримни якунлаб айтмоқчиманки, агар Ўзбекистон тез кунларда ўзининг мақсадига, ўз муродига эришмоқчи бўлса, чет мамлакатлар, бой давлатларнинг сармоясини олиб келмасдан бу ниятларни амалга ошириб бўлмайди. Истардимки, бу оддий, лекин ғоят муҳим ҳаётий ҳақиқатни мактабларда ўқиётган, олий ўқув юртларида таълим олаётган болаларимиз, эртага бизнинг ўрнимизга келадиган фарзандларимиз яхши англаб олса, қолаверса, ҳар қайси фуқаро шуни яхши тушуниб етса. Чунки бу ҳаётий ҳақиқат — бизнинг эртанги кунимизнинг гарови. Такрорлаб айтаман: бу — гаров. Бу — шарт. Агар шу шартни амалга оширсак, эртага марра бизларники.

Шу сабабли мана шу иккита — яъни «Чет эл инвестициялари» ва «Хорижий инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш тўғрисида»ги қонунларни кўраётганда табиий савол туғилади: хўш, нима учун биз бу қонунларни қабул қиляпмиз? 1992 йилда қабул қилган қонунларни бугунги кўз билан бошқатдан қараб, яна бошқатдан таҳririни ўзгартиряпмиз? Сабаб нима?

Сабаб шундаки, бутун дунёнинг маблағи, барча бойбадавлат давлатларнинг инвестициялар учун ажратадиган маблағлари, сармоялари, булар ҳаммаси бир қозонда қайнаб турибди. Бугунги умумбашарий шароит шундайки, жаҳонда умуман глобализация деган жараён кечяпти. Дунёда қанча ортиқча сармоя бор, бу сармояни бошқаларга бериш, ёрдам тариқасида бериш, ўзига фойда орттириш миқдори каби масалалар ҳаммага маълум. Лекин савол туғилади: хўш, бу сармоя қайси давлатларга, қайси минтақага биринчи навбатда оқиб боради? Қайси ишлар учун, қайси тармоқлар ва минтақаларнинг ривожи учун ётқизилади? Мана шу масала бугун, бугунги жаҳон сиёсатида, иқтисодий сиёсатида ва бошқа сиёсатда энг катта аҳамиятга эга бўлган масала. Худдики дарё оқиб келаяпти, бу дарёнинг чегаралари ва манзили қаёқда?

Агар мустақил бўлган йилимиздан ҳисобласак, бугун Ўзбекистонга келган сармоя тахминан 8 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Бир йилда биз тахминан 1 миллиард АҚШ долларини ўзлаштиряпмиз. Лекин бу бизнинг имкониятларимиз даражасидан кам, бу ҳар томонлама қараганда режаларимизни амалга ошириш учун етарли эмас. Шунинг учун биз тезроқ ўсмоқчи бўлсак, иқтисодимизни жаҳон иқтисодига тенг қилмоқчи бўлсак, аввалambор, саноатни, иқтисодни ривожлантирмоқчи бўлсак, Голландия, Германия, Хитой ва Япония технологияларини олиб келиб қишлоқ хўжалигини кўтармоқчи бўлсак, бизга сармоя, сармоя,яна бир бор сармоя керак. Яъни, хорижий инвестициялар керак.

Шу нуқтаи назардан бу қонунларни қабул қилишимизнинг, уларни қайтадан кўриб чиқишимизнинг сабаби битта. Қаерда имтиёз бўлса, қаерда шароит бўлса, қаерда агарки қонуний гаров, қонуний кафолат бериладиган бўлса, шу ёққа сармоя келади. Буни яна тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Мен ишонаманки, мана шу гапларимни оддий одамларга, жамоатчилигимизга, халқимизга етказасизлар. Яъни қаерда шароит бўлса, қаерда қулай иқлим бўлса, қаерда шундай имтиёзлар бўлса, улар шундан фойдасини кўрса, кафолатига ишонса, шу жойга ишониб сармоя олиб келади. **Кафолат дегани — бу жуда оғир нарса. Кафолат деганда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам молиявий кафолат беришимиз керак. Бунинг фоизлари бор, бунинг гаровлари, ўзига яраша шарт-мажбуриятлари бор. Биз буларнинг ҳаммасини мужассамлаштириб, қонуний нуқтаи назардан, қонун билан кафолатини берар эканмиз, бу ишларимизни тарғибот қилиш керак, ташвиқот қилиш керак.** Чет эллардаги катта нуфузли компанияларга, пулдор банкларга, халқаро молия ташкилотларига мана шу қонунларимизнинг моҳиятини чуқур тушунтиришимиз, бошқача айтганда, миясига қуйиб қўйишимиз керак. Ўзбекистонда биринчи навбатда сиёсий, иқтисодий, молиявий барқарорлик мавжуд, бу ҳар қандай сармоянинг асосий гарови, асосий шарти, деб айтишимиз керак. Сизлар сўраётган кафолатни биз берамиз, қулай шарт-шароит ҳам яратиб берамиз. Шу билан бирга фоизини ҳам қойил қилиб берамиз. Сизларнинг ички ишларингизга аралашиш ёки йўлингизга ғов бўладиган тўсиқларни бартараф этишга, керак бўлса, зўравонларнинг пайини қирқишга мана шу қонунлар асос бўлади, деб биз кафиллик беришимиз даркор. Токи уларда шундай ишонч пайдо бўлсинки, Ўзбекистонга сармоя келтирган хорижий инвестор бошқа жойдагига нисбатан кўпроқ фойда олади.

Албатта, мен бу гапларни биринчи марта айтаётганим йўқ. Лекин шуни унутмаслик лозимки, дунёда ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч қандай даврда ҳам текинга Ўзбекистонга ёрдам бермайди. Чунки манфаатсиз, ўзининг мақсадига эришмасдан, бирор фойда кўрмасдан ёрдам бериш деган гаплар — буларнинг барчаси пуч гаплардир.

Шунинг учун мана шу қонунларнинг синчиклаб мағзига етиб борсак, бизлар 1993 йилда қабул қилган қонунни кеча иккита мустақил қонунга айлантирдик. Яъни, чет эл инвестицияларини алоҳида кўриб чиқдик. Мана шу инвестицияларга кафолат бериш масаласини муҳокама қилдик ва уни кенгайтирдик. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда хорижий сармояларга қандай имтиёзлар берилаётганини, уларнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам молиявий кафолатини содда ва аниқ тарзда ишлаб чиқдик, энди тегишли ташвиқот ишларини жойига қўйишимиз зарур. Агар эртага бизга бирор сармоядор келса, унга мана шундай ҳолатни кўрсатиб, сўнгра у билан гаплашамиз. Қуруқ гаплар керак эмас, ваъдалар керак эмас. Қонун бизлар учун ҳам қонун, сизлар учун ҳам қонун, деб айтамиз.

Бу ерда яна битта масала бор. Инвестициялар келиши ўз йўли билан, лекин Ўзбекистоннинг модели, иқтисоди, иқтисод ривожининг роли шундайки, биз ўз ҳал қилувчи бойликларимизни, ўз иқтисодий потенциалимизни ҳеч кимга сотганимиз йўқ. Баъзи қўшни давлатлар тажрибалари бизга тўғри келмайди. Бизда ундай нарсалар йўқ, буни нафақат сизларга, балки халқимизга қарата ҳисобот тариқасида айтаяпман. 6-7 йил давомида биронта катта корхонамизни ёки ривожимизнинг асоси бўлмиш бойликларимизни ҳеч кимга сотганимиз йўқ. Агарки бирон-бир хорижий ҳамкоримиз сармоя олиб келаётган бўлса, бу борадаги шартномалар қонунларимиз асосида бўляпти.

Мана, мисол учун «ДЭУ» билан автомобиль заводини ҳудди шу асосда қурдик. Бухорода улкан нефтни қайта ишлаш корхонасини ҳам айни шу тарзда барпо этдик. Ишонасизми-йўқми, бунга кам одам ишонади, бу лойиҳанинг умумий нархи ярим миллиард АҚШ долларидан кўпроқ. Фақат технологик қисми 262 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Қайтариб айтаман, бу фақат технологик қисми. Ундан ташқари бошқа кўплаб мураккаб иншоотларни қуриш керак эди. Сув олиб келиш керак, электр олиб келиш керак, йўлларни қуриш керак, иморатларни қуриш керак ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммасига, айтиб ўтганимдек, ярим миллиард АҚШ доллари зарур эди. Биз шу қурилиш учун хорижий мамлакатлардан сармоя олиб келаётганда 40 фоизини бевосита ўзимиз топдик, яъни Ўзбекистон сармояси сифатида ўртага қўйдик. Шунинг ҳисобидан оладиган фойдамизнинг тақсимоти қуйидагича: 40 фоизи ўзимизга тушяпти, 60 фоизи ҳозирча уларга тушяпти. Эртага ҳамма олган кредитларнинг ҳисоб-китобини жойига қўйсак, фойданинг юз фоизи ўзимизники бўлади.

Барпо этилган ва этилаётган бошқа йирик корхоналарни ҳам шу нуқтаи назардан кўриб чиқсак, шунга амин бўлиш мумкинки, биз ҳеч қачон ўз манфаатимизни ва иқтисодий мустақиллигимизни хавф остида қолдирганимиз йўқ. Биз сиёсатимизни, ривожимиз дастурларини тузаётганда фақат бугунги кунни эмас, эртанги кунни ўйлаб қадам қўйдик. Сизларга раҳмат, шу сиёсатни тўғри тушуниб, қўллаб-қувватладингиз. Мана шу сиёсатнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаяпти. Ва муқаддас заминимизда ҳаёт кечираётган ҳар бир инсон унинг натижасини, ҳосилини аста-секин кўряпти.

Азиз бирodарлар!

Муродимизга етмоқчи эканмиз, белни маҳкам боғлайлик. 6 йил мобайнида эришган ютуқларимиз, эртанги кунимизга умид уйғотиб, пойдеворимизни янада мустаҳкамлайди. Аминманки, бизнинг ўрнимизга келадиган авлод биздан кучли бўлади! Бизнинг хатоларимизни такрорламайди. Уларнинг тажрибаси, дунёқараши мутлақо бошқача бўлади. Улар вақтини, куч-ғайратини боқимандалик, совет тузумидан қолган бошқа иллатларга курашга сарфламайди. Улар фақат олға юради, бошқалардан кам бўлмасликка, ўзбек миллатини, керак бўлса Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг бахтини, иқболини юксалтиришга ҳаракат қилади. Бу баландпарвоз гаплар эмас. **Мен сизларнинг сиймонгизда ақл-заковатли, мард, тиниб-тинчимас халқимизни кўряпман. Ўз қадримизга етайлик. Ютуқларимиздан ғурурланайлиг-у, лекин бошимиз айланмасин, оёғимиз ердан узилмасин.**

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ҚОНУНИЙ АСОСДА БЎЛСИН

Ҳурматли халқ ноиблари!

Мана, ҳозиргина ҳурматли бир домламизнинг маърузасини тингладик. Кечирасизлар-у, маъруза менга ёқмади. Лицейларда, олий ўқув юртлари аудиторияларида ўқиладиган лекциялардан фарқи йўқ. Олим, юрист сифатида мен у кишидан бошқа нарсани кутган эдим. Яъни, бугун ҳаммамизни ўйлантираётган муаммолар хусусида ваколатли мутахассис фикри керак эди бизга. Афсуски, бундай бўлмади.

Давлатимиз, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро келажагининг кафолатини Конституция беради. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурчлари Конституцияда белгиланган, тегишли қонунлар билан мустаҳкамланган. Мақсадимиз эркин, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли жамият барпо этиш. Ҳеч бир инсонни камситмаслик, эътиқодини ҳурмат қилиш, эркинлигини таъминлаш.

Модомики мақсадларимиз аниқ экан, инсон ҳуқуқлари умумхалқ муҳокамасида қабул қилинган Конституция ҳимоясида экан, авлодларимиз, фарзандларимиз келажагига хавф соладиган, миллат шаънига доғ туширадиган хатти-ҳаракатлар қаердан пайдо бўляпти? Мен Наманганда, Андижонда рўй берган кўнгилсиз воқеаларни назарда тутяпман. Нима, ҳуқуқий асосларимиз бўшми ёки умуман масъулиятни унутиб қўйдикми? Балки баъзи бир мансабдор кимсалар иккиламчи сиёсат олиб бораётгандир? Ана, орангизда Наманган вилояти ҳокими ва туман ҳокимлари ўтирибди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, битта вилоятда 1200-1300 та масжид бор. Бу масжидлар атиги 4-5 йил ичида қурилган. Мазкур масжидлар қонун доирасида фаолият кўрсатиши учун кимдир масъул бўлиши керакми, йўқми? Ўзи ҳудудларда қонунларимизни ҳимоя қиладиганлар борми-йўқми?! Намангандаги масжидларнинг 50-60 фоизи рўйхатдан ўтмаганини вилоят ҳокимлиги ва жамоатчилиги билмайди дейсизми? Билади! Фақат ўз тинчини ўйлаб, разил ниятлар, фитналарга қўл силкиб қўйган. Масжидларни рўйхатдан ўтказиш ҳақида гапирдим. Диний ташкилот ёки масжид очиладиган бўлса, албатта ўзига мажбурият олиши керак. Қайси қонун бўйича фаолият кўрсатади, фаолият доираси қаердан бошланадию, қаерда тугайди — буни аниқ билиши, масъулиятни тўла ҳис этиши зарур. Рўйхатдан ўтиш — бу арзимаган расмиятчилик эмас, ахир. Бундай ишлар албатта, пора бериш, амалдорнинг оғзини мойлаш ҳисобидан бўлиши ҳам мумкин. Лекин қонун ҳукм сураётган ҳудудда, туман ва вилоятларда бунга имкон берадиган вазиятни таг-томири билан қирқиб ташлаш керак. Масжидларнинг маблағи бор, лекин аксарияти солиқ тўламайди. Хўш, бу пуллар қаёққа кетяпти?

Ҳокимларнинг, Адлия вазирлигининг жойлардаги бўлимлари ходимларининг чўнтагига! Прокурор бўлса миқ этмайди. Қонунлар ижроси устидан назорат прокурорнинг вазифаси эмасми?! Агар туманда қонун бажарилмаса, прокурор унда нима қидиб ўтирибди?! Қанча-қанча назорат ташкилотлари бор. Ўзингиз бир тасаввур қилинг: бир бечора тижоратчи ёки савдогарнинг ортидан ўнтаси ўпкасини қўлтиқлаб югуради. Чунки, ишхонасига чақириб, унга зуғум қилиш, устидан жиноий иш қўзғаш, оғзидагисини ҳам тортиб олиш осон.

Сўзимни мухтасар қилиб айтмоқчиманки, қонун қабул қилиш билан иш битмайди. Аравани қуруқ олиб қочиб, умумий гаплар билан қутулиб кетаман, деб ўйламанглар. Бу жуда катта муаммо. Ўзбекистоннинг келажагига хавф солаётган, умуммақсадларимизни, орзу-ниятларимизни барбод қилиши мумкин бўлган, авлодларимизни хавф остида қолдирадиган катта таҳдид бу! Бир матбуот анжуманида «Озодлик» радиостанциясининг мухбири Фурқатбек Яхвалхўжаев Наманган воқеаларининг сабабини сўради. Мана, сиз муҳтарам депутатлар ҳам эшитиб қўйинглар:

Наманганга четдан таъсир бўлмаса, ўз-ўзидан шундай тажовузлар юз берармиди? Бу қонхўрлар кимнинг мактабида ўқиган, кимдан маблағ олган, ким уларни қурол билан таъминлаган, ота-оналарининг бепарволигидан фойдаланиб, ёш йигитларни ким Тожикистонга ёки Афғонистон ва Покистонга олиб борган? Уларни мухолиф кучларнинг ўзаро хунрезлик гирдобига улоқтирган ким? Тавилдара деган жойда одамларга қурол ўқталиб, ўзбеклар номини сотиб юрган Жума Намангоний, ўзини амирлар қаторига қўшган Тоҳир Йўлдошев ўзи ким?! Бу муттаҳамлар қаердан пайдо бўлди? Уларнинг жиловини нега вақтида тортиб қўймадик?!

Холисона тан оламиз: Ўзбекистон ҳудудида баъзи бир ечилмаган ижтимоий масалалар, дейлик, ишсизлик бордир, одамларнинг ҳаёти ҳали биз орзу қилган даражада эмасдир. Ёшлар муаммоларини ечишда бепарволикка йўл қўйгандирмиз. Ўрта ва олий ўқув тизимидаги, маънавият ва маърифат соҳасидаги масъул кишиларнинг лоқайдлиги ўз йўлига, бу ўзимизнинг айбимиз. Лекин яна такрорлайман: четдан таъсир бўлмаса, болаларимиз алданиб Покистонга бормасди, муқаддас динимизга ёт бўлган оқимларга ружу қўйиб, қўлларига қурол олишмасди. Жангариларга айланиб Ватанига, ватандошига қўл кўтармас, қўпорувчилик билан шуғулланмас эди.

Наманган, Андижонда қўлга тушган жиноятчилар устидан эрта-индин очиқ суд бўлади. Керак бўлса, суд жараёнини телевидение орқали кўрсатамиз. Ана ўшанда бу нонкўрларнинг мақсади нима бўлганини ўз қулоқларинг билан эшитасизлар.

Уларнинг биринчи режаси маъмурий, ҳуқуқ ҳимоясида турган ташкилотлар: милиция, прокуратура ва шунга ўхшаган ҳокимият ходимларини ўлдириш билан одамларни қўрқитиш бўлган. Ундан кейин бизнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги, ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган иншоотларни портлатиш, нон, сут етказиб берадиган, одамларни иш билан банд қиладиган корхоналарни, иморатларни портлатиш...

Тушуняпсизларми, қандай катта хавф остида қолишимиз мумкин? Битта муттаҳам, битта иймонини сотган ёвуз ниятли одам, қанча-қанча зарар, зиён етказиши мумкин.

Боз устига, бу ишлар дин ниқоби остида, мен кимман, мен ваҳҳобийман, мен ҳақиқий мусулмонман деган кибрли ақида билан қилинади. Ким ҳақиқий мусулмон, ким сохта мусулмон эканини ёлғиз Оллоҳ таоло билади. Охиратда, сўроқ-савол пайтида ҳаммамизга Яратганнинг ўзи баҳосини беради. Бу дунёда бировни чала мусулмон, ўзини ҳақиқий мусулмон дейишга ҳеч бир банданинг ҳаққи йўқ. Буни Исломдан хабардор одамлар, диний идораларнинг раҳбарлари жуда яхши билади. Ана шу одамлар айтсин.

Яна бир бор айтаман: ким ҳақиқий мусулмон, ким чала мусулмон, ким кофир бўлганини Оллоҳ таологина билади. Ким, алҳамдулуллоҳ, мусулмонман деса ва муқаддас Қуръони каримда, ҳадисларда кўрсатилган талабларни бажо этса, бизнинг динимиз бўйича Худога итоат қилган, илтижо қилган бўлади ва у ўзини мусулмон дейишга ҳақлидир.

Боя айтганимиз кўнгилсиз воқеалар қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Аввало улар майда ишлардан, бепарволиқдан бошланишини унутмаслик лозим. Жамиятнинг ўзи бунга қарши қаттиқ оёққа турмаса, ўзини, ўз фарзандларини ҳимоя қилмаса, эртага Тожикистондаги вазият бизнинг ҳам бошимизга тушиши мумкин. Тожикистонда, Шаҳидон майдонида бўлган воқеалар 1992 йил май ойида бошланган эди. Бунинг тарихига 6 йил бўляпти, ҳамон Тожикистонда тинчлик, барқарорлик йўқ, ҳеч қандай қурилиш, бунёдкорлик йўқ. Одамлар нима билан банд — ўзингиз хабардорсиз.

Тараққиётни ўн йиллар орқага суриб юборган Шаҳидон воқеалари аслида Наманганда бошланиши керак эди. Буни ким билади? 1991 йил 8 декабрда мен Наманганга бориб ақлини йўқотган, ўзига «Озлоҳ лашкарлари» деб ном қўйиб олганлар билан, ўша Йўлдошев Тоҳир билан юзма-юз бўлганман. Унинг қўлидан микрофонни олиб гапирганимни ким эслайди? Ўшанда мендан улар ислом давлатини, ислом республикасини ҳозир эълон қиласиз, деб талаб қилишган. Соқоли тиззасига тушадиган кимсалар одамларнинг бошини айлантириб, шу масалаларни кўтарганлари ҳали ҳам эсимда, овозлари ҳали ҳам қулоғимда турибди.

Улар «Ислом лашкарлари» ва бошқа ташкилотларни тузиб, одамларга тажовуз қилиб, милициянинг ўрнини олиб, ҳукмдор бўлмоқчи эдилар. «Қўқон хонлигини ташкил қиламиз», деган мақсадда юрганлар. Буни ким билади? Буни аввало сиз депутатлар билишингиз зарур. Нега деганда, сиз халқ ноиблари — халқ вакилларисиз. Халқни ким ҳимоя қилади, халққа ким йўл кўрсатади?

Бундай хавфни ҳар бир одам сезиб, онгидан ўтказиши керак.Биз бугун нима учун мана шу Виждон эркинлиги тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқяпмиз? Бунинг сабаби шуки, мазкур қонун 1991 йилда, яъни Конституциямиздан бир ярим йил олдин қабул қилинган эди. Ҳозир янги Конституцияни қабул қилдик, кўп қонунларни ишлаб чиқдик. Энди ҳаётимиз учун, келажагимиз учун, фарзандларимизнинг соғлом эътиқоди учун аҳамиятли бўлган, демократиянинг энг муҳим шарти бўлмиш виждон эркинлиги масаласини қайтадан кўриб чиқяпмиз.

Олимларимиз, таълим-тарбия даргоҳларининг тарбиячилари, ўқитувчилари Ўзбекистонга бўлган хавф ва таҳдидларни тўғри таҳлил қилиб, болаларимиз тақдири учун биринчи навбатда ёниб ҳаракат қилиши, болаларимизни бундай ёвуз хавфдан ҳимоя қилишлари керак. Тарбиячилар, олимлар, домлалар томошабин бўлиб ўтирмаслиги лозим. Фарзандларимизни ким тўғри йўлга солади, ким уларнинг онгини тозалайди, ким уларга ҳақ гапларни гапириб, ҳаётда ўз эътиқодига суяниб яшашни ўргатади, тарбиялайди? Ёшларнинг тўғри йўл танлашида ким биринчи бўлиб ёрдам бериши керак, уларга ким таянч бўлиши лозим?..

Афсуски, бундай ишлар ҳозирча йўқ даражада! Нима учун бу масалада лоқайдликка, бепарволикка йўл қўйиляпти? Одилона, оқилона йўл тутиш ўрнига баъзи ҳокимлар ўзи масжид қурилишида ҳомий бўлиб, биринчи ғиштни қўйиб юрибди. Ахир сен ҳокимсан, олдин мактаб қур, одамларнинг соғлиғини сақлаш, энг долзарб эҳтиёжларини қондириш борасида сен жонкуяр бўлишинг керак эмасми? Бўлмаса, ҳокимликни зиммага олиб нима қиласан? Масжидга бориб, имом бўл — агар эътиқодинг ёки билиминг тўғри келса. У ерда маошинг кўпроқ, масъулиятинг, жавобгарлигинг эса камроқ бўлади.

Ҳоким деганда биз мутлақо бошқача, мана шу туман, мана шу вилоятнинг ҳимоячиси, керак бўлса тақдирини, ҳаёт-мамотини ҳал қиладиган фидойи одамни тушунамиз. Вилоят ёки туманда нима воқеа рўй берса, виждонли ҳоким аввало ўзи жавоб бериши керак. Шунинг учун бу масалани кўраётганда ҳаммамиз, аввало шу ерда ўтирганлар ўз масъулиятимизни чуқур англаб, ҳис этиб юртимизга жан

СЕССИЯДАН СЎНГ

Мирзачўллик ёшлар сессияда қабул қилинган хужжатларни ўрганмоқдалар.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XI сессиясида сўзлаган нутқида ислоҳотларнинг ишончли механизмини яратиш зарурлигини, айниқса, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, улар ҳаётида рўй бераётган муаммолар борасида куйиниб гапирди.

Сирдарё туманининг ''Синдаробод'' ширкатлар уюшмасида бўлиб, у ерда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда қишлоқ ҳаётини яхшилаш мақсадида қилинаётган ишлар хусусида бир гуруҳ ёшлар билан учрашиб, ўтган XI сессияда қабул қилинган қонунлар ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

К.Казаков, иқтисодчи, Гулистон Давлат дорилфунунининг иқтисод факультети сиртқи бўлими толиби:

-- Йўлбошчимиз Ислом Каримов сессиясида ҳаётимизда рўй бераётган воқеалар, ичил ўзгаришлар ҳақида гапириб, бугунги ёшлар борасида алоҳида тўхталди. Айни пайтда баъзи бир тенгқурларимизнинг ҳатти-ҳаракатларини қоралади. Ватанимиз келажаги ёшлар қўлида экан, шунга муносиб тарбия ва билим олишимиз зарурлиги, мустақил Ўзбекистонимизга етук мутахассис кадрларни етиштириш лозимлигини таъкидлади.

Бизнинг қишлоқ ҳудудимизда ёшлар учун мақтанса арзигулик шароит яратиб берилган. Замонавий стадион ишлаб турибди. Теннис корти қурилиши бошлаб юборилган. Ёшлар ўртасида ишсизлар сони анча камайган. Хитой билан ҳамкорликда иссиқхона корхонаси қошида қўшма корхоналар очиш мўлжалланган. Қишлоқ хўжалиги билан банд аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Шундай экан бизнинг ҳукуматимизнинг ғамхўрлигидан миннатдор бўлиб қабул қилинган қонунларни амалга ошириш чорасини кўрамиз.

-- Сессияда қишлоқ хўжалиги билан алоқадор кўпгина масалалар кўрилди: Ер кодекси, қишлоқ хўжалиги уюшмалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари хусусидаги қонунлар ҳар бир деҳқонни қизиқтириши турган гап, дейди **ёш бригадир Абдуқаюм Розиев.**

-- Чунки биз ''дала фарзандимиз''. Бизни ер боқади. Бизнинг ҳуқуқ ва вазифаларимиз шу қонунлар билан белгилаб қўйилди. Берилаётган эркинликлар ва имтиёзлар самарали меҳнат қилишимизга имкон яратади.

Ундан ташқари Президентимизнинг Наманган воқеалари тўғрисидаги гаплари менга ёқди. Тўғри, бу ердаги воқеаларга фақатгина ёшларни сабабчи қилмаслик керак. Балки ёшлар учун зарур шарт-шароитлар, тушунтириш ишлари олиб бормаган катталар ҳам айбдор.

Ширкатлар уюшмасида 6 та деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда.

--Деҳқон ва фермер хўжаликлари тўғрисида қонун қабул қилингани айни муддао бўлди, -- дейди уюшма раиси **А.Синдоров.**

-- Энди фермер хўжалиги алоҳида мустақил хўжалик, ўз муҳри ва ўз ҳисоб рақамига эга бўлган юридик шахс сифатида иш юритиши мумкин.

Ширкатлар уюшмасидаги фермер хўжаликлари 335 гектар ерда деҳқончилик қилишади. Ўтган йил якунлари бўйича барча режалар юз фоизга бажарилган.

Уюшмада чорвачилик билан шуғулланувчи ''Султон'' фермер хўжалиги ҳам бор. Султон Ҳожибеков бошқараётган бу хўжаликда 60 бош қорамол мавжуд. Уюшма томонидан унга 31 гектар ер ажратилган.

Фермер ўтган йили 680 минг сўм фойда олди. Пахта териш режаси бажарилмаган (70 фоиз) бўлса-да, ундан ҳам даромад олинган. Бунинг сабаби топширилган пахтанинг юқори навларга сотилганлигидир.

Фермерни ташвишлантираётган муаммолар ҳам бир талай. Аммо у қабул қилинаётган қонунлар туфайли бу муаммоларнинг ечими топилишига ишонмоқда.

-- Сессияда зарур қонунлар қабул қилинди,-дейди **Султон Ҳожибеков.** -- Ҳаммаси давлатимизнинг равнақи, ёшларимиз келажаги учун хизмат қилади. Уйлайманки янги қонунлар ҳимоясида деҳқон ҳам, фермер ҳам қаддини ростлаб олади, - деди Султон ака.

Дарҳақиқат, Олий Мажлиснинг навбатдаги анжуманида қабул қилинган қонунлар ёшларнинг истиқболи, юрт равнақига хизмат қилмоқда. Йигит ва қизларимиз эса бу муҳим ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб, уни ҳаётга тўла тадбиқ этиш йўлларини излашлари керак.

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,
Шерзод САЙДАЛИЕВ,
''Туркистон'' мухбирлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИНИНГ "КАМОЛОТ" ЖАМҒАРМАСИ БОШҚАРУВИ 1998 ЙИЛ УЧУН "КАМОЛОТ" ЖАМҒАРМАСИ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЛОН ҚИЛАДИ

1998 йил учун ''Камолот'' жамғармаси мукофоти қуйидаги 4 йўналишда берилади:

*** журналистика соҳасида** -- мамлакатда амалга оширилаётган серқиррали ислоҳотлар, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги таҳлилий мақолалар туркуми учун;

*** қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик соҳасида** -- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш йўналишида меҳнатни ташкил этиш, агротехника, технологиянинг замонавий усулларини жорий этиш борасидаги амалий фаолият ва эришилган юксак натижалар учун;

*** профессионал ҳарбий хизмат ва ҳарбий-ватанпарварликни тарғиб этиш йўналишида** -- мамлакат мудофаси, халқ осойишталиги йўлида кўрсатилган жасорат, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги алоҳида хизматлар учун;

*** таълим соҳасида** -- таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича замонавий ўрта таълим ва ҳунар мактаблари лойиҳалари, мукаммал таълим услублари, ёшларга чуқур билим бериш соҳасида эришилган муваффақиятлари учун.

''Камолот'' мукофоти совриндорлиги учун танловларда иштирок этишни хоҳловчи 14 ёшдан 35 ёшгача бўлган шахслар шу йилнинг 31 июнига қадар мукофот комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

1. Кадрлар маълумотномаси (тегишли тарзда тўлдирилган ва иш жойида тасдиқланган ҳолда)
2. 2 дона 4х6 фотосурат.
3. Танловга тавсия этилаётган иш, лойиҳа ёки фаолиятда эришилган натижалар ҳақида маълумот.
4. Ишга тегишли фото, аудио ва видео материаллар (агар мавжуд бўлса)
5. Мутахассислар, тегишли ташкилотларнинг хулосаси.

Мукофот комиссиясининг манзили:
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 11 уй.
''Камолот'' жамғармаси бошқаруви.
Тел.: 41-00-50, 41-00-83

Орзуси амалга ошмаган йигит

ЁКИ НОЖЎЯ БОСИЛГАН ҚАДАМНИНГ БАҲОСИ

У болалигида йиғма ўйинчоқларни яхши кўрарди. Унинг ўз қўли билан бирор нарса ясашга бўлган иштиёқи кучлилигини сезган отаси доим унга турли хил йиғма ўйинчоқлар олиб берарди. Мактабда ўқиб юрган кезлари ҳам ўқувчилар техника марказига қатнади. Тўғарак раҳбари ёрдамида тенгдошлари билан самолёт, кема, машиналарнинг кичик нусхаларини ясар экан, катта бўлганда мана шундай қудратли техникаларни ихтиро этувчи конструктор бўлиш орзуси унинг қалбига ўрнашди.

Мактабни битириш арафасида ўзи туғилиб ўсган Андижонда автомобил ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ишга туширилганини эшитиб, ўзида йўқ қувонди. Олий ўқув юртига ўқишга кира олмасам, шу заводда ишлайман, деб ўйлади. Ўқишга кириши учун бир неча балгина етмади, қўшма корхонага эса мутахассислиги бўлмаганлиги сабабли ишга олишмади. Ишсиз, бекор юрган мана шундай кунларининг бирида сўнггини ўйламай, ота-онаси билан маслаҳатлашмай босган биргина ножўя қадами унинг бутун ҳаётини остин-устун қилиб юборди.

Чет элда тижоратчиликка ўқиш ҳақида маҳалладаги йигитлар сўз очиб қолишди. Ўзини қаерга қўйишни, нима қилишини билмай юрган Ҳамид (йигитнинг исми ўзгартирилган) учун бу фикр ягона нажот йўлидек кўринди. Ушбу таклифнинг шубҳали эканлиги ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмасдан рози бўлиб қўя қолди. Ота-онасини Тошкентга, ўқишга кетаяпман, деб алдади. Олти ой тижоратчиликка ўқийман-у қайтиб келаман, деб ўйлади. Аммо, бунинг хом хаёл эканлигини анча кеч, ''Наманган батальони''га келиб қўшилгандан сўнггина тушунди. Бироқ, энди ғишт қолипдан кўчган эди...

ТЕРГОВ СЎРОҚНОМАСИДАН: ''Мени алдов йўли билан Тожикистонга олиб боришди. У ерда ''Наманган батальони''нинг базаси жойлашган экан. Биз янги келганлар билан Жумавой Намангоний ўз хонасига чақириб алоҳида-алоҳида суҳбатлашди. Суҳбат сўнгида мендан паспортимни қолдиришимни сўради. Мен бу ерга алдаб олиб келганликларини, бу ерда қолиш ниятим йўқ эканлигини айтдим. Шунда у менга қараб: ''Каллангдан айрилиб қолмагин яна. Ота-онангни унут. Бизнинг муқаддас вазифамиз Ислом йўлида жиҳод қилмоқдир. Аллоҳнинг назари сенга тушибдими, демак, энди сен Ислом лашкарисан. Энди сен учун орқага йўл йўқ'', деди. Бундай таҳдидли сўзларни эшитгач, жонимни омон сақлаш мақсадида ''Наманган батальони''да қолишга, у ерда ўқишга мажбур бўлдим''.

МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ МАЪЛУМОТНОМАСИДАН: ''Жумавой Аҳмаджонович Ҳожиев, лақаби Жума Намангоний, 1968 йилда Наманган вилоятида туғилган. 1992 йилда Тожикистонга қочиб ўтган, Тожикистондаги фуқаролар урушини келтириб чиқаришда бевосита иштирок этган, ''Наманган батальони''нинг раҳбари''.

''Наманган батальони''нинг лагери Тожикистоннинг тоғли қишлоғи Тавилдарада жойлашган. Унда қўпорувчилик бўйича таълим олаётган жангариларнинг сони 200 дан 400 кишигача етади. Уларнинг кўпчилигини Фарғона водийсидан, асосан, Наманган ва Андижондан келган йигитлар ташкил қилади. Покистонлик, арабистонлик, панжшерлик тожиклар ва афғонлардан иборат кўп сонли инструкторлар гуруҳи йигитларга қўпорувчилик ва террорчиликдан дарс беради. Лагерда йигитларга берилган рақамлар бўйича мурожаат этишади. Айтайлик, ''йигирманчи'' рақамли йигитнинг хатти-ҳаракатларидан шубҳаланишса, лагер бошлиғи Жумавой Намангоний буйруғи билан у кўп ўтмай йўқ қилиниб, ушбу рақам эса жангарилар сафига янги келиб қўшилган йигитга берилади. Жангари йигитлар маҳфий кўрсатмаларни олгач, бу лагердан ўз йўли билан кетади. Ҳар сонияда жиҳодни бошлашга тайёр, ислом жангчисининг тўла тайёргарлик курсини ўтаганларгагина қайтиш учун рухсат берилади. Шундан сўнг жангарилар қуролланган ҳолда Фарғона водийсига ўрнашиб олишга уринадилар.

ТЕРГОВ СЎРОҚНОМАСИДАН: ''Ўқишни тугатиб, лагердан қайтишимизга рухсат берилгач, яна Жумавой Намангоний ҳар биримизни олдига чақириб, алоҳида-алоҳида топшириқ берди. Менга Калашников автоматини ўқлари билан ҳамда 30 та тротил шашкаси, бикфорд шнурли детонаторни берар экан, шундай деди: ''Сенинг вазифанг Асакадаги автомобил заводида қўпорувчилик ишларини олиб бориш''.

Бундай топшириқни олар экан Ҳамиднинг юраги бир зирқираб кетди. Агар ҳозир бир оғиз қўмондонга қарши гапирадиган бўлса, ўзининг суробини тўғрилаб қўйишларини у жуда яхши биларди. Андижонга кела-келгунча унинг кўз ўнгида ўзи туғилиб ўсган уй, болалиги, отаси олиб берадиган йиғма ўйинчоқлар, тўғаракда ўзи ясаган моделлар, телевизор орқали кўргани -- Асака автомобил заводида машиналарни йиғиш жараёни бирма-бир намоён бўлаверди. Наҳотки, ўзи орзу қилгани инсонларнинг оғирини енгил қиладиган турли машиналарни яратиш ўрнига шундай катта меҳнатлар эвазига қурилган катта заводни таг-туги билан батамом кунпаякун қилса? Наҳотки, энди унга турли ўйинчоқлар олиб бериб, ҳамиша унинг бирор ҳунарни ўрганишини истаган ўз отасига қарши қурол кўтарса? Наҳотки, энди шамоллаб, иссиғи чиқиб ётганида ёнидан бир қадам ҳам нарига жилмайдиган меҳрибон онажонисининг бўйнига ўзи қўли билан сиртмоқ солса? Наҳотки, энди атрофида доимо парвона бўладиган сингилларини ҳижоб киймабсан, деб ўз қўли билан бўғизласа?..

У фақатгина Миллий хавфсизлик хизмати терговчисининг саволларига жавоб бергачгина, ўзини қачондан бери қийнаётган муаммолар ҳақида илк бора рўйи-рост гапириб бергандан сўнггина бироз енгил нафас олди. Бироқ, ножўя босилган биргина қадамнинг баҳоси унинг учун бугун жуда қимматга тушганлигини жуда кеч англади...

НОМАСИДАН: ''1995 йил Миллий хавфсизлик хизмати Наманган вилояти бошқармаси томонидан фуқаролар Нуриддин Насриддинов, Тошпўлат Самижонов, Абдусаломхон Шаллаевларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Ушбу фуқароларга қўйилган республикамиздаги Конституцион тузумни зўрлик билан ағдаришга уриниш, мамлакатимиз ҳудудида исломий давлатни қуриш, ёш йигитларни жангарилик учун ёллаш айблари суд жараёни давомида тўла тасдиқланди. Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида Поп ноҳияси Уйғурсой қишлоғида қурол ва ўқ-дорилар омбори аниқланди. Жиноий гуруҳ аъзолари яшовчи хонадонлардан қурол-яроғ ва портловчи моддалар топилиб, мусодара этилди. Суд ҳукми билан жиноятчилар ўн йил ва ундан ортиқ муддатларга қамоқ жазосига маҳкум этилдилар''.



Эндигина 18-20 ёшга кирган Андижон, Фарғона вилоятилик бир неча йигитлар қурол ва портловчи моддалар билан қўлга олинди. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг тажрибали терговчилари ўтказган сўроқ давомида чет элда махсус тайёргарлик кўриб қайтган жангари йигитлар ўз вақтида қўлга олинмаганда, Фарғона водийсида янада катта фожеалар рўй бериши мумкин эканлиги маълум бўлди.

Буни қарангки, Ўзбекистонда, Тожикистонда ғаламислик қилишга улгурган Тоҳир Йўлдош 1995 йил Покистонда содир этган жиноятлари учун Пешавор турмасига қамалган эди. Аммо, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишни кўзлаган толиблар катта миқдордаги пуллар эвазига уни қамоқхонадан чиқариб олди.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги барқарорликни издан чиқаришдан манфаатдор бўлган маълум бир доиралар ўз мақсадлари йўлида бундай жангари тузилмаларга ҳар томонлама ёрдам беришни давом эттирмоқдалар.

Улар кимнинг ноғарасига ўйнамоқда

ЁКИ НАМАНГАН ВОҚЕАЛАРИНИНГ "МУАЛЛИФЛАРИ"

Бугун Наманган вилоятида бўлиб ўтган воқеалар бутун республикамиз аҳолисини ташвишлантирмоқда, матбуотда, телевидениеда турли баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. Наманган воқеаларининг келиб чиқиш сабаблари, унинг раҳнамолари ҳақида батафсил маълумот бериш учун яқин тарихимизга бир назар ташлайлик.

1991 йил Наманган вилоятида ''ички ишлар идораларига кўмаклашиш'' гуруҳлари ташкил этила бошланди. Гуруҳ раҳбарларининг талқинига кўра, улар маҳаллаларда жамоат тартибини таъминлаб туришлари керак эди. Афсуски, амалда бундай бўлмади. Гуруҳ раҳбарлари динни тозалаш, соф динга қайтиш ниқоби остида ҳокимият учун кураша бошладилар. Бир неча кун ичида гуруҳ аъзоларининг сони кўпайиб, улар ўзларини ''Адолат'' жамияти, бўлинмаларини эса ''Ислом лашкарлари'' деб атай бошладилар.

Аммо жамият раҳбарлари ўртасидаги низо ва келишмовчиликлар туфайли у икки гуруҳга бўлиниб кетди: Ҳаким Сотимов бошчилигидаги гуруҳ ''Адолат'' номи билан, Тоҳир Йўлдошев бошчилигидаги гуруҳ ''Ислом лашкарлари'' номи билан атала бошланди.

Ушбу ҳаракат раҳнамолари Ўзбекистонни Ислом республикаси деб эълон қилиш, вилоят ҳокими этиб диний уламолардан тайинлаш зарурлиги ҳақида ўнлаб курақда турмайдиган талабларни қўя бошладилар. Ўзининг давлат қурилиш йўлини танлаб олган ва бу йўлда собитқадамлик билан ислоҳотлар олиб бораётган мамлакатимиз учун бундай талабларга ён бериш Ўзбекистонни фуқаролар уруши домига тортиш билан баробар эди. Талаблари амалга ошмаган ҳаракат раҳнамолари омма орасида тартибсизликлар келтириб чиқара бошладилар. Натижада Наманган аҳолисининг тинч ҳаёти катта хавф остида қолди.

Фақатгина республика раҳбариятининг қатъий тутган йўли, жиноятчиларга ён бермаганликлари туфайлигина Наманганда тинчлик, осойишталик сақлаб қолинди. Жиноятчилар ўз қилмишларига яраша жазоландилар. Аммо, ''Ислом лашкарлари'' ҳаракатининг йўлбошчилари Тожикистонга қочиб яширинишга улгурдилар.

МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ МАЪЛУМОТНОМАСИДАН: ''Тоҳир Абдухалилович Йўлдошев, жангарилар орасида Тоҳир Йўлдош номи билан танилган. 1967 йилда Наманган шаҳрида туғилган. 1991 йили Наманган вилоятида оммавий тартибсизликлар келтириб чиқарган ''Ислом лашкарлари'' ҳаракатининг раҳбари бўлган. 1992 йилда Тожикистонга қочиб ўтган. Ўзини хорижликларга Ўзбекистон Исломий жиҳоди амири деб таништиради''.

Тоҳир Йўлдош ўз мақсади -- Ўзбекистондаги қонуний ҳокимиятни зўравонлик билан ағдариб, ислом давлатини қуриш ниятидан қайтмади. У турли сабаб ва баҳоналар билан Ўзбекистондан олиб чиқилган, эндигина 18-20 ёшни қоралаётган ёшларга Тожикистон, Афғонистон ва Покистондаги ҳарбий лагерларда махсус ва диний таълим бериб, уларни қуроллантириб, қўпорувчилик ишларини олиб бориш мақсадида мамлакатимиз ҳудудига юборишни авж олдирди.

МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ МАЪЛУМОТ-

''Ўлим батальони'' учун очилган йўлак

ЁКИ ДИН НИҚОБИ ОСТИДА ҲОКИМИЯТГА ИНТИЛАЁТГАНЛАР

Махсус тайёргарликдан ўтган жангари террорчилар малака ошириш ва маслакдошларига ёрдам бериш мақсадида исломий ҳаракат раҳбарлари томонидан қитъамизнинг қонли нуқталарига жўнатилмоқда.

ТЕРГОВ СЎРОҚНОМАСИДАН: ''Лагерда қуролдан отиш ва қўл жанги усулларини бизга покистонлик Абдуллоҳ, харита билан ишлаш, заҳарли ва портловчи моддаларни тайёрлаш ва ишлата билиш, маҳфий ёзув усулларини тожикистонлик Абдулазиз ака, сапёрлик ва зенит мосламаларидан ўқ отиш дарсларини арабистонлик қандайдир шайх ўргатди. Қайтаётганимизда ҳар бир йигит ўз ўрнига 10 тадан водийлик йигитларни жўнатиш ҳақида махсус топшириқ олдик''.

''Ислом уйғониш'' партияси раҳнамолари жангга отланганлар. Улар ўтмишдаги Қўқон хонлиги ҳудудида Ислом давлатини тузиш, унинг таркибига Тожикистоннинг Ашт ва Исфара районларини, Қирғизистоннинг Ўш вилоятини ва бутун Фарғона водийсини қўшиб олишдек ақл бовар қилмас ниятларини ўзларига мақсад қилиб қўйганлар. Бугунги кунда ''Ислом уйғониш'' партиясининг ўзагини ташкил этувчи ақидапараст жангарилар Фарғона водийсида барқарорликни издан чиқариш йўлида фаол ҳаракат бошлашни режалаштирмоқдалар. Ўтган йили Наманганда юз берган қўтилликлар уларнинг қора қилмишлари натижасидир.


ТЕРГОВ СЎРОҚНОМАСИДАН: ''Мен Наманган вилоятида туғилганман. 1992 йил сохта ҳужжатлар билан Тожикистонга кетдим. Тожикистон ва Афғонистондаги фуқаролар урушида жанг қилдим. Шу вақт мобайнида Тоҳир Йўлдошнинг шахсий соқчиси, сўнгра Жумавой Намангоний батальонининг таъминотчиси вазифаларида юрдим. Исломий жангариларнинг ҳар томонлама тайёргарлик кўришлари учун қўплаб хорижий мамлакатларнинг исломий партиялари моддий ёрдам беришади. Мен ўзим неча маротаба самолётда озиқ-овқатларнинг тагига беркитиб, яширинча олиб келинган қурол-яроғларни тушириб олганман''.

Маълумотларга кўра, ўтган йили Ўзбекистонда беқарорликни келтириб чиқаришдан манфаатдор бўлган маълум бир гуруҳлар вакили ''Ислом уйғониш'' партияси раҳнамоларидан бири билан учрашган чоғида жангариларга Ўзбекистонга ўтиш учун йўлак очиб бериш ҳақида қарор қабул қилишган. Ўтган йилнинг сўнгги ойида Наманганда бўлиб ўтган воқеалар, яқинда қўлга олинган йигитларнинг кўрсатмалари ''Ўлим батальони'' учун йўлак очишга қаратилган жиддий уринишлардан дарак бермоқда.

Ўйлаймизки, бу йўлак орқали Марказий Осиё минтақасига фуқаролар уруши тарқалиши хавфидан нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё ҳамжамияти ҳам ташвишга тушиши лозим.

О.АБДУРАҲМОНОВ,
Журналист





Шифокорнинг аччиқ уколидан кўра ширин тили беморни тезроқ тузатади, дейишади. Пойтахтда жойлашган 17-шаҳар касалхонаси ички хасталиклар бўлими шифокору ҳамширалари ҳар доим ана шу сўзга амал қилишади. Фалон пулли доридан кўра, текинга келган яхши сўзга нима етсин.

Суратда: Шифокор Шоира Қосимова ва ҳамширалар Умида Маҳаматова, Наргиза Абдуллаева

ҲАР КИМ ЭККАНИНИ ЎРАДИ

Инсон ва қонун

Маълумки, бир неча йил мобайнида Наманган вилояти ҳудудида талай ўта оғир ва мудҳиш жиноятлар содир этилган эди. Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўтказган долзарб қидирув тадбирлари давомида бу талончилик ҳужумлари ва қотилликлар экстремистик руҳдаги диний бирлашма ва гуруҳларнинг иши экани аниқланди. Улар бу ёвузликларни диннинг «поклиги» учун кураш ниқоби остида вилоятдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш мақсадида амалга оширган. Улар эълон қилган жиҳод усуллари, шунингдек, миллатлараро айирмачилик ва душманлик оловини ёқиш, мавжуд тузумга ишончсизлик муҳитини юзага келтириш, ислом давлати ўрнатиш ғояларини фаол тарғиб қилишни ҳам ўз ичига олган. Бу курашни муваффақият билан олиб бориш мақсадида экстремистик кайфиятдаги гуруҳларнинг энг фаол аъзолари хорижда махсус ҳарбий тайёргарликдан ўтиб, диверсия ва террорчилик ҳаракатларини уюштириш усулларини ўрганган.

Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бу гуруҳлар содир этган жиноятларни тергов қилиш ишларини якунлади. Вилоят судига тақдим этилган бу ишларнинг дастлабкиси, экстремистик кайфиятдаги диний гуруҳ ва қисмлар фаолияти билан боғлиқ ишни кўриб чиқиш бошланди. Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи тўрт фуқаро - Вали Эгамбердиев, Мухтор Маннонов, Абдулло Шаҳобиддинов ва Жобир Шаҳобиддинов устидан очиқ суд жараёни бошланди. Улар Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ағдариб ташлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экстремистик кайфиятдаги диний гуруҳни тузиш ва унинг фаолиятида иштирок этиш каби бир қанча жиноий ҳаракатларни содир этишда айбланади. Уларга қўйилган айблар орасида давлат чегарасини қонунга хилоф ҳолда кесиб ўтиш, қўшни мамлакатлар ҳудудида фаолият кўрсатаётган ғайриқонуний ҳарбий лагерлардан бирида жанговар тайёргарликдан ўтиш, ислом давлатини барпо этиш ғоясини фаол тарзда тарғиб қилиш, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий асосини барбод қилиш, кўзланган фитна уюштириш сингари ҳолатлар ҳам бор. Айбдорлар қўйилган барча айбномалар бўйича ўз айбларига иқрор бўлди. Наманганда бошланган суд жараёнида айбдорларнинг ҳар бирининг айби даражаси аниқланади, қилмишига яраша жазо чораси белгиланади.

Яқин кунларда вилоят судида вилоят ҳудудида фаолият кўрсатган диний-экстремистик гуруҳ ва қисмлар фаолияти билан боғлиқ бошқа ишлар ҳам очиқ ҳолда кўриб чиқилади.

ЎзА

Таълим ислоҳотлари

ДАРСЛИК МУАММО БЎЛМАЙДИ

Ҳаётимизнинг турли соҳаларида бўлгани каби таълим тизимида ҳам бугун катта ўзгаришлар юз бераётир. Чунончи Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори фикримиз далилидир. Мухбиримизнинг Халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов билан ўтказган суҳбати мазкур қарор моҳияти ва бугунги мактаблар муаммолари хусусида бўлди.

— Муртазо Султонович, ҳукуматимиз қарорига биоан мактабларда ўқувчиларни дарслик билан таъминлашнинг пуллик шакли жорий этилди. Бунинг асосий сабаби нимада деб ўйлайсиз?

-- Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини дарсликлар, ўқув адабиётлари билан таъминлашнинг пуллик шакли жорий этилди. Бинобарин 1998-1999 ўқув йили учун ота-оналар, ўқувчилар дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини дўконлардан эркин нархда сотиб олишлари мумкин. Бироқ барча мактабларнинг биринчи синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари, ақлан, жисмонан заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар ўқувчилари дарсликлар билан тўлалигича бепул таъминланади.

Хўш, ўқувчиларни дарсликлар, ўқув адабиётлари билан таминлашни пуллик шаклига ўтказилганлигига сабаб нима? Дарсликларнинг ҳозирги замон талаблари ва мезонларига жавоб бериши, уларнинг сифатининг яхшиланиши, китобларни ўқувчиларнинг ёшига, жисмоний ривожланишига, санитария-гигиена талабларига мос келиши, ўқув адабиётининг содда, равон, тушунарли тилда ёзилиши, бир сўз билан айтганда, ўқув қўлланмалари болаларга пухта билим беришга ҳар томонлама йўналтирилганлиги дарсликларни такомиллаштиришнинг асосий талабидир. Бундан ташқари дарслик сотиб олинса, унга муносабат ҳам ўзгаради, китобнинг қадр-қиммати ошади, у эъзозланади, асраб-авайланади, қолаверса дарсликнинг умри узаяди. Китобга нисбатан, нафақат ўқувчининг балки ота-оналарнинг ҳам талабчанлиги ошади. Китоб яхши сақланган, уни кейинги босқичдаги ўқувчиларга бериш ҳатто сотиш ҳам мумкин. Натижада бу соҳада ҳам бозор иқтисодиёти муносабатлари тамойиллар амал қила бошлайди. Бошқача айтганда китоб нафақат маънавий, балки моддий бойлик эканлигига амин бўламиз. Шунинг учун ҳам Республика ҳукуматининг Қарори ота-оналар, педагоглар, маҳалла фаоллари, фуқаролар томонидан маъқулланмоқда.

-- **Лекин тўрт-беш нафар фарзанди мактабда ўқийдиган, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ўз-ўзидан қийин. Уларга имтиёзлар борми?**

-- Аҳолининг сиз назарда тутган қисмига маълум имконият ва қулайликлар яратилади. Ўқувчиларни дарсликлар, ўқув адабиётлари билан таъминлашнинг пуллик шакли жорий этилишига раҳбарлик қилиш ва бу ишдаги муаммоларга барҳам бериш мақсадида штаб тузилган. Штабнинг асосий вазифаларидан бири ҳам серфарзанд, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини дарсликлар билан таъминлашда ижтимоий ёрдам беришни ташкил этишдир.

Бу тадбирда фаол қатнашишни истаган ташкилотлар, корхоналар, хўжаликлар, давлатга қарашли бўлмаган турли жамғармалар, концернлар учун вазирликда банкнинг алоҳида ҳисоб рақами очилди. Фурсатдан фойдаланиб бу ҳисоб рақамини маълум қилмоқчиман. **Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Уй-жой қурилиш банкининг "Меҳнат" бўлими ҳисоб рақами 2020400-000101044001 банк коди 00423.**

Мана бир ҳафтадаёқ бу ҳисоб рақамига 5 миллион сўмга яқин маблағ тушди.

Вазирлик серфарзанд оилаларнинг фарзандларига дарсликлар харид қилишда маблағ билан ёрдам кўрсатишларини сўраб, республикамиздаги 400 га яқин иқтисодий жиҳатдан бақувват жамғармалар, ташкилотлар ва алоҳида шахсларга хат билан мурожаат қилди.

-- **Дейлик, ўқувчи дарсликни авайлаб бир йил тутди. Шу фойдаланган китобларни сотиш мумкинми? Бу қандай амалга оширилади?**

-- Ўқилган китобларни мактаб кутубхонаси орқали сотишни йўлга қўйиш мумкин. Тушган маблағнинг беш фоизи кутубхоначига қолади. Ҳозир мактаб кутубхоналари инвентаризациядан ўтказилаяпти. Ундаги эски дарсликлар сотилмайди, фақат кам таъминланган оилаларга фойдаланиш учун берилади.

-- **Республикамизнинг баъзи ҳудудларида қаровсиз мактаб бинолари учраб туради... Бу аҳволни яхшилаш бўйича қандай ишлар қилинмоқда?**

-- Саволингиз ўринли. Республикамизда моддий базаси ночор мактаблар топилади. Бундай аҳволни яхшилаш бўйича аниқ дастуримиз бор. Қолаверса бу борада Республика ҳукуматининг ғамхўрлигини ҳис этиб турибмиз. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилги "2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарорига кўра 2000 йилгача республикамизда авария ҳолатидаги мактаблар тўла тўгатилиши кўзда тутилган. Республика бўйича 1997 йилда 52592 ўқувчи ўрнига эга бўлган 183 та мактаблар ва қўшимча бинолар қурилди. Жорий йилда 60340 ўқувчи ўрнига эга бўлган 186 та мактаб ва ўқув маскани учун қўшимча бинолар қурилади. Бу кўрсаткичлар МДҲ давлатлари орасида энг юқори кўрсаткичдир. Ана шулар ҳисобига мамлакатимизда йилдан-йилга авария ҳолатидаги мактаблар камайиб бормоқда.

-- **Давлат берадиган маблағни қутмасдан, ўз ҳаражатларини ўзлари қоплаш йўлларини излаётган мактаб жамоалари ҳам борми?**

-- Республикамиздаги кўпгина таълим муассасалари жамоалари ташаббускорлик билан иш олиб бориб сармоядан ташқари қўшимча маблағ топишмоқда. Масалан Андижон вилоятидаги Темир йўл хизматчиси Абдутолиб Шарипов ўз шахсий маблағи ҳисобидан Ширмонбулоқдаги 31-мактаб учун 220 ўринли бино қуриб берди. 0,5 гектарлик мевазор боғ барпо этиб, мактабга тортиқ қилди, мактаб ҳудудида оҳак цехини ишга туширди. Бу мактаб учун ҳар ойда 50 минг сўм даромад келтирмоқда. Ундан ташқари Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 28-ўрта мактаб, Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 10-мактаб, Хива туманидаги 21-мактаб, Тошкент шаҳар ҳамда туманидаги 145-мактаблар сезиларли даражада қўшимча даромад топиб, ўз махсус ҳисоб рақамларига маблағ тушурмоқдалар. Мазкур маблағларни ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ўқувчи ва ўқитувчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш учун сарфланмоқда.

Зеро, "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 42-моддасига биноан бизнинг ҳар бир муассасамиз таълим соҳасида қўшимча хизматлар кўрсатишдан маблағ тушуришга ҳақлидир.

-- **Мамлакатимизда саҳоватли бойлар ҳам кўпайиб қолди. Улар томонидан мактаблар ҳам қуриляпти, деб эшитганмиз...**

-- Албатта. Масалан, тадбиркор Набижон Маҳмудов Фарғона вилоятидаги Валиқ қишлоғида 2 қаватли 422 ўринли мактаб биносини 10 миллион сўмдан кўпроқ маблағини сарфлаб, қурдириб берди.

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани "Нукус" жамоа хўжалигидаги 4-мактаб инглиз тили муаллими Алланиёз Утениёзов Хўжановулда 50 ўринли боғча ва 2 хонали тиббий шаҳобчани ўз меҳнати билан тиклади. У ўғли Ажниёз билан Шатлиовулда ҳам бошланғич мактаб қурди. Қаттиоғар овулида боғча, тиббий шаҳобча, кутубхона барпо этди.

Денов шаҳридаги "Чағониён" ҳиссадорлик жамияти (раиси Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Комилжон Сапиев) шаҳардаги 1-болалар боғчаси ҳамда 4-мактабни оталиғига олиб, уларга 1 миллион сўмга яқин маблағ билан ёрдам берган.

-- **Ҳар ўқув йили ниҳоясида ўқувчилардан мактабни таъмирлаш учун пул йиғилади. Сиз бунга қандай қарайсиз?**

-- Мактабни таъмирлаш учун ота-оналардан пул йиғиш мумкин эмас. Биз бундай нохуш холатларга йўл қўймаслик учун ҳар ўқув йили якунида таълим бошқарув муассасалари ҳамда мактаб раҳбарларига ёзма кўрсатмалар бериб, назорат юритамиз. Синфхоналар таъмири учун маҳаллий ҳокимиятлар ўз имкониятларидан келиб чиқиб маблағ ажратишади. Аммо кўпинча пул ўтказиш жараёни август-сентябрь ойларигача чўзилиб кетмоқда. Кўпинча ота-оналарнинг ўзлари таъмирлаш юмушларига кўмаклашиш ташаббуси билан чиқадилар, ободончилик ишларига кўнгилли тарзда бош қўшишади. Лекин ўқувчилардан мажбуран пул йиғиб олиш мумкин эмас.

-- **Тажрибали мураббий сифатида мактаблардаги серчиқим битирув кечаларига, баъзи жойларда содир этилаётган ўқитувчиларга сарпо кийдиришларга қандай қарайсиз?**

-- Ҳар йили вазирлик битирув тантаналари ўтказишнинг намунали тартибини таълим муассасаларига юборади ва жойларда шуларга амал қилинишини талаб этади. Битирув кечалари ёшлар ҳаётида унутилмас воқеадир. Шаҳодатномаларнинг тантанали тарзда топширилиши йигит вақизларнинг ёдида бир умр сақланиб қолади. Лекин бундай тантаналар камчиқим, чиройли, мазмунли, камтарона ўтказилиши керак. Битирув кечаларини мактабдан ташқари жойларда, кечқурун ўтказиш мумкин эмас. Ўқувчига совға-сарполар улашиш қатъиян ман этилган. Ортиқча сарф-харажатлар туфайли ҳашамли "кечалар" уюштириш кескин таъқиқланган. Бундай ишлар муаллимлар одоб-ахлоқига ҳам тўғри келмайди. Битирувчи синф раҳбарлари ва айрим ўқитувчиларга бериладиган совға-саломлар ҳеч ким томонидан маъқулланмаган ўзбошимчаликдир. Биз бундай ҳолатни қоралаймиз ва агар огоҳлантиришларимизга қарамай бунга йўл қўйилса ўқитувчилар ҳам, мактаб раҳбарлари ҳам жазоланади.

Мактаб энг аввало тарбия, маърифат масканидир. Ундан фақат зиё тарқалиши керак.

-- **Самимий суҳбатингиз учун раҳмат!**

Назокат УСМОНОВА,
"Туркистон" мухбири

ХУРШИДА "ТИКО"ЛИ БЎЛДИ

Қўқон шаҳрида Оила йилига бағишлаб "Республикада оналик ва болаликни муҳофаза этиш" шиори остида ўтказилган "Ҳамшира-98" кўрик-танловининг якунловчи республика босқичи бўлиб ўтди.

Танлов биринчи шарти "Ташриф қоғози ва кўкрак нишони" ҳақида тўлиқ маълумот бериш эди. Бунда қизлар ўзлари яшаб турган жойнинг тарихи, ўз иш жойлари ҳамда кўкрак нишонидаги тасвирни таништирдилар.

Иккинчи шарт эса беморга ҳамшира ташхисини қўйиш, учинчи шарт бўйича қатнашчилар оила мавзусида баҳс юритишлари зарур бўлди.

Тўртинчи шарт ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб турди. Бунда қизларнинг бир гуруҳи қизиқарли кроссворд ечишган бўлса, бир гуруҳи берилган суратнинг қандай касаллик эканини айтиб беришди. Учинчи гуруҳ қизлар эса берилган саволларга инглиз тилида жавоб қайтаришди.


Охирги шарт бўйича эса ўз истеъдодларини намойиш этишди.

14 қиз беллашувидан сўнг биринчи ўрин қўқонлик Хуршида Темировага, иккинчи ўрин Қашқадарё вилоятининг Китоб шаҳридан келган ҳамшира Дилнавоз Шеровага, учинчи ўрин эса андижонлик Шоира Мирабдуллаевага насиб этди.

"Ҳамшира-98"нинг мутлақ ғолибаси Хуршида Темирова тож ва "Тико" енгил автомашинаси билан тақдирланди.

Танлов иштирокчиларини Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Р.Султонов, "Камолот" жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари К.Юсуповлар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан мукофотладилар.

Хонбиби ҲИММАТ қизи



Бўлажак спорт "юлдузлари"

Суратқаш: А.Рихсиев(ЎзА)

Миллионлар ўйини

"ИККИ"ЧИ ЖАМОАЛАР

Куни кеча бўлиб ўтган олий лига жамоаларининг VII миллий чемпионат саккизинчи тур учрашувлари узоқ вақт мухлислар ёдида сақланиб қоладиган бўлди. Мазкур турнинг қизиқарли ва кутилмаган натижаларга бой бўлишининг асосий сабабларидан бири, аввало, тенг кучли жамоаларнинг бир-бирига қарши майдонга тушиши, яъни пешқадамлар билан пешқадамлар, "ўртаҳол"ларга қарши "ўртача" жамоалар, аудсайдерлар майдонида аудсайдерлар учрашганидир.

Тошкент вилоятининг "Дўстлик" жамоаси кейинги йилларда медалларга даъвогарлар сифатида тўп суриб, икки йилдирки республика жамоаси эканини исботлаб келади. Мазкур жамоа ўтган турда "Андижон" билан 2:2 ҳисобида ўйнаган бўлса, бу сафар водийнинг иккинчи жамоаси "Нефтчи" билан ўз майдонида худди шу ҳисобда "келишишди". Меҳмонлардан ёш ҳужумчи Зокир Бердиқулов икки бор зафар қучган бўлса, мезбонлардан Фарид Хабибулин иккита жавоб қайтарди. Бу йил таркибини анча "ёшартирган" фарғоналиклар 16 очкога эга бўлиб, "Косонсой"ни меҳмонда 1:3 ҳисоби билан енгган "Сўғдиёна"га ўрин бўшатдилар. Чемпион жамоа ўз майдонида олий лиганинг янги жамоаси "Темирйўлчи"дан 2:4 ҳисобида устун келиб, аудсайдерлар чизиғидан бироз узоқлашди. Бекобод шаҳрининг "Металлург" жамоаси "Хоразм"ни қабул қилди ва бу учрашувда ҳам 2:2 ҳисоби қайд этилди.

Намангандаги марказий ўйингоҳда яна бир футбол байрами бўлди. "Навбаҳор" VII миллий чемпионатда анча кучайган "Бухоро"га қарши тўп сурди. VII турда, мағлубиятга учраган "севимли жамоа" ўз майдонида "паст кетиши" ёки "келишиши" ҳеч ҳам мумкин эмасди, буни ҳар бир ўйинда ўйингоҳни титратиб турувчи мухлислар ҳам, пешқадамлик "курси"си ҳам "кечирмас" эди. Буни яхши ҳис қилган навбаҳорчилар 90 дақиқа давомида меҳмонлар дарвозасига тўплар «ёмғири»ни ёғдиришди. Ёш ва истъедодли ҳужумчи Анвар Солиев 15-дақиқадаёқ ҳисобни очди. 24-дақиқада бухоролик Фузайлов ҳисобни тенглаштирди. Ўйин янаям қизғин тус олган пайтда тажрибали Шуҳрат Раҳмонқулов 11 метрлик жарима тўпини дарвозага йўллай олмади. Иккинчи бўлимнинг ўрталарида (61-дақиқа) яна Анвар Солиев намангланликлар "жонига оро кирди".

Тошкентда пойтахтнинг икки жамоаси, икки ноқулай рақиблар курашишди. Таркибида миллий терма жамоанинг ярмидан кўп ўйинчиси бўлган "Пахтакор" VII миллий чемпионатда "бошдан оёқ" "яшарган" "Трактор"ни қабул қилиб, 2:2 ҳисобида қийинчилик билан дурангга эришди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, "Трактор" футболчилари мезбонларга қараганда анча кўнгилдагидек ҳаракат қилишди. Буни киритилган тўпларга қараб ҳам тушуниш мумкин. 32-дақиқада меҳмонларнинг ёш ҳужумчиси Х.Мирҳамидов Бугалони доғда қолдирган бўлса, 75-дақиқага келибгина Дилмурод Назаров ҳисобни тенглаштиришга эришди. Лекин мухлислар севинчи узоққа чўзилмади. Яна Мирҳамидов жамоасини олдинга олиб чиқди.

Учрашувнинг охирги дақиқаларида Миржалол Қосимов 11 метрлик жарима тўпини аниқ амалга ошириб, ўз жамоасини "хижолат"дан чиқарди.

Навоийда "Зарафшон" -- "Сурхон" учрашувида ҳам 2:2 ҳисоби қайд этилди. "Насаф" -- "Андижон"ни 4:1 ҳисоб қайди билан мағлубиятга учратди. Шундай қилиб саккизинчи турда 10 та жамоа икки мартадан тўп киритди, саккиз ҳужумчи эса икки бор зафар қучди.

29 ўйинчига сариқ карточка кўрсатилган.

Жами 34 тўп киритилди.

Ўйингоҳларга 62 минг томошабин йиғилган.

9— тур. 9 майда учрашадилар

"Хоразм" -- "Пахтакор"
"Сурхон" -- "Металлург"

Олий лига

8 — ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Пахтакор»	8	6	1	1	18-7	19
«Навбаҳор»	8	6	0	2	18-6	18
«Сўғдиёна»	8	6	0	2	16-7	18
«Нефтчи»	8	5	1	2	17-8	16
«Бухоро»	8	4	2	2	11-7	14
«Дўстлик»	8	3	3	2	15-10	12
«Насаф»	8	3	3	2	10-6	12
«Хоразм»	8	3	3	2	11-9	12
«Зарафшон»	8	3	2	3	9-9	11
«Сурхон»	8	3	1	4	14-14	10
«Темирйўлчи»	8	3	0	5	12-23	9
«Андижон»	8	2	2	4	13-15	8
«Трактор»	8	2	2	4	7-15	8
«Металлург»	8	2	1	5	8-15	7
«Косонсой»	8	1	1	6	7-17	4
МХСК	8	0	2	6	7-25	2

"Сўғдиёна" -- "Зарафшон"
"Бухоро" -- "Косонсой"
"Темирйўлчи" -- "Навбаҳор"
"Андижон" -- "МХСК"
"Нефтчи" -- "Насаф"
"Трактор" -- "Дўстлик"

ЎРИНБОСАРЛАР ЎРИН БОСАЯПТИ

Жамоаларнинг ўринбосарлари ўртасида ҳам учрашувлар анча қизиқарли кечмоқда. Ўринбосарлар жадвали бошида "Навбаҳор" (21) "Нефтчи" (20), "Пахтакор" (16) ва "Сўғдиёна" (16) турган бўлса, "Косонсой" (4), "Андижон" (4) ва "Хоразм" (3) жамоалари аудсайдерлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

8-тур натижалари

МХСК -- "Темирйўлчи" -- 1:2
"Дўстлик" -- "Нефтчи" -- 1:3
"Косонсой" -- "Сўғдиёна" -- 0:3
"Зарафшон" -- "Сурхон" -- 0:2
"Металлург" -- "Хоразм" -- 4:1
"Насаф" -- "Андижон" -- 4:2
"Пахтакор" -- "Трактор" -- 1:2
"Навбаҳор" -- "Бухоро" -- 4:0

А.РАИМОВ, "Туркистон"мухбири

Маънавий уйғунлик

Ўзбекистонда тўрт йилдан буён фаолият кўрсатаётган Ҳиндистон маданий маркази қадимий ва навқирон икки мамлакатнинг бир-бири билан тобора яқинлашувига астойдил хизмат қилмоқда. Бу ерда ўтказилаётган турли мавзудаги учрашувлар, анжуманлар, бадиий кеча ва тадбирлар шундан далолат бериб турибди.

Яқинда Ҳиндистон маданий марказининг янги биносига яна адабиёт ва санъат ихлосмандлари йиғилди.

Шарқона безакларга бой муҳташам залга йиғилган шеърият ихлосмандларига марказ директори, ўзбек шеъриятининг моҳир таржимони ва Ҳиндистондаги тарғиботчиси профессор Қамар Раис жаноблари ташрифлари учун миннатдорчилик билдирди.

ХХ аср адоғида шеъриятга кириб келган янги овозлар -- Фарҳод Арзиев, Мухтасар Тожимаматова, Алишер Назар ҳамда Нигора Йўлдошеваларнинг она Ватан мадҳи ва муҳаббат дарди мужассамини топган шеърлари анжуман иштирокчиларининг юрак торларини чертгани шубҳасиз. Айниқса, шоир ва бастакор Александр Феськовнинг ўз шеърларига басталаган қўшиқлари янграганда йиғилганларнинг бирортаси ҳам бефарқ қолмади.

Кечада иштирок этган Жаҳон тиллари, Тошкент Давлат университети, Шарқшунослик институти ва бошқа олий ўқув юртларидан ташриф буюрган шеърият ихлосмандларининг ижодкор шахси, ижод олами, шеъриятга оид саволларига ёш шоирлар жавоб беришди.

Темир ҚУРБОН

Муҳаррирга мактуб

ФУРСАТ ЕТМАДИМИКИН?


Яқинда хизмат сафари билан Тошкентга борган эдим. Ишларимни битиргач, самолётда қайтишга қарор қилдим. 1998 йил 12 апрель куни 12.30 даги Тошкент-Бухоро рейсида қатнаётган РЖ-85 самолётига чиқдим. Тайёрагоҳда йўловчиларга кўрсатилаётган хизматларнинг юқори савияда эканлигини кўрган киши беҳад қувонади. Йўловчилар учун яратилган қулайликларни қанча таърифласам ҳам озлик қилади. Парвоз олдидан аввал ўзбек тилида, кейин рус тилида, хавфсизлик тасмаларини тақиш ва бошқа керакли тавсияларни эълон қилишди. Аммо ўзбек тилида айтилган гапларнинг "эътиборингиз учун раҳмат"идан бошқасига ҳеч ким тушунмади. Чунки ўзбек тилини мутлақо билмайдиган рус қизи учун қоғозга ёзилган 10-15 оғиз ўзбекча сўзларни ўқиш қийин бўлса керак. Шунинг учун ҳам сўзларни ниҳоятда бузиб ўқиди.

Тўғри, собиқ иттифоқ даврида баъзан қизларимизни турли баҳоналар билан рўкач қилиб, тайёрагоҳ хизматларига қабул қилмас эдилар. Ахир, энди мустақилмизку!

Ўзбек тилига давлат мақоми берилганига анча вақт бўлган бўлса-да, ҳалиям самолётдаги стюардессалар қоғозга ёзилган ўзбекча сўзларни ҳам ўқиёлмайди.

Бобоқул ЙЎЛДОШЕВ,
Бухоро вилояти, Қоракўл туманидаги "Чевар" хусусий кичик корхонаси раҳбари

Рассом тавассуми



ЭЪЛОН

2 ва 3 хонали квартиралар мебели, гаражи, отчопардан 15 километр узоқликдаги ҳар бири 15 сотичли 2 та дала ҳовлиси, электр-насоси билан сотилади.

Тел: 76-61-70, 76-38-40

"Туркистон" рўзномасининг 1998 йил 2 май сонида босилган Тошкент шаҳар кўчмас мулк биржаси томонидан берилган рекламага қуйидаги тузатишлар киритилсин:

Сарлавҳадаги "11-28 май" жумласи "14-28 май" деб ўқилсин; охирги хат боши "Шайхонтоҳур туманида жойлашган "Ёркин Нур" акционерлик жамиятига тегишли, майдони 1300 кв.м бўлган "Ангар" модули. Бошланғич нархи 3 000 000 сўм" деб ўқилсин.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир: Гулнора ХОЛБЕКОВА

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 136-56-58, 133-95-97; хатлар бўлими — 136-54-64; тижорат бўлими — 133-79-69; иқтисод ишлари бўлими — 136-54-64; спорт, ҳарбий ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, котибият — 136-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. —010
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

Ҳажми — 2 табоқ Тираж: 9.917
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——22.00

1 2 3 4 5 6